O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2001-yil, 16-fevral • N8 (3598)

АСРГА ТАТИГУЛИК

10 ЙИЛ

ОЗОД ВАТАН ОДАМИ

ёхуд замонамиз қаҳрамони сиймосини яратиш масаласи

Ҳар қайси давр ўз қаҳрамонларини майдонга олиб чиқади. Ҳар қайси даврнинг эзгуликка йўғрилган интилишлари, меҳнат ва курашлари, бунёдкорлик, фидойилик намуналари ана шу қаҳрамонлар сиймосида ўз аксини топади.

Биз — озод юрт одамлари кўз ўнгимизда амалга ошаётган яратувчилик ишларидан, кун сайин чирой очаётган юртимиз жамолидан чексиз фахр ва ифтихор туйғуларини ҳис этамиз. Ватанимиз салоҳияти, обрў-эътибори ошиб бораётгани, дунё халқлари ва мамлакатлари ўртасида ўзбекнинг ўз қаддини тиклаб, ҳар жабҳада тилга тушаётган ютуқларини кўриб қувонамиз. Ва шундай лаҳзаларда юрагимизда масъуллик, келажак олдида жавобгарлик туйғусини ҳам туямиз. Зиммамиздаги мажбурият, режаларимиздаги юмушлар дунёга кўзимизни каттароқ очиб қарашга, бугун эртанги кунимиз ташвиши билан яшашга чоғлайди. Биз фарзандларимизга чинакам суянч ва таянч бўла олсак, демак, Ватаннинг эртанги куни учун арзирли ишни уддалаган бўламиз.

Борини ошириб, йўғини яшириб кўрсатиш халқимизга хос хусусият. "Бўладиган эл бир-бирини ботирим дейди". Ушбу ҳикмат ҳам бизга тан. Ота-боболаримиз йўриғида иш тутиб, аждодлар удумини қўлдан қўймай, кейинги ўн йил ичида бу бетинч ва хавотирли жаҳонда йўлимиздан адашмадик. Миллат бўлиб бирикдик, тенглар орасида ўрнимизни топдик. Неча авлод миллатдошларимиз орзу қилиб ўтишган Озод Ватанга эга бўлдик. Ва бугун ўзимиз ҳам буюк келажакка орзуманд бўлиб, унинг пойдеворини мустаҳкамлашга бел боғлаб киришдик. Қутлуғ ўй-хаёллар, ёруғ ниятлар ҳар бир қадамимизга енгил руҳ, серзавқ шукуҳ бағишлаб турибди.

Истиқлол йиллари осон кечмади. Халқимизнинг чидам-бардоши, жўмард ватандошларимизнинг фидойилик билан қилган меҳнати, ботир ўғлонлар жасорати юрт ободлигини, тинчлигини таъминлади. Мана шу ўтган давр ўз қаҳрамонлари, ибрат бўлгули ютуқлари билан янги тарихимиздан муносиб ўрин эгаллайди. Унинг бадиий талқинини яратишдек шарафли вазифа эса ижодкорларимиз зиммасида.

Президент Ислом Каримов "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқида ижод аҳлига, маданият намояндаларига мурожаат этиб, бугунги куннинг қаҳрамонлари сиймосини яратишга даъват қилганлари ижодкор, санъаткор зиёлиларимизни илҳомлантирди, уларнинг қалбида ижодий зафарларга рағбат уйғотди.

Мустақиллик йилларида бунёдкорлик, яратувчилик йўлида фидойилик билан хизмат қилаётган инсонларнинг таъсирчан, ёрқин образларини яратиш адабиёт ва санъат аҳлининг зиммасидаги шарафли бурч экани эндиликда барчамизга аён. Аслида ҳам эзгуликка, яхши амалларга, яратувчилик меҳнатига тарғиб-ташвиқ этиш, фидойиликни шарафларга буркаш қадимдан халқимизнинг бой маданий мероси, мумтоз адабиётимиз ва санъатимизнинг етакчи мавзуларидан бўлиб келган.

Таҳририятимиз бир неча таниқли ижодкор ва санъаткорларга мурожаат этиб, бугунги куннинг қаҳрамонлари — озод Ватан одамлари сиймосини яратиш билан боғлиқ бадиий-эстетик масалалар, мазкур мавзунинг нечоғли долзарблиги, ижодий фаоллик ва ҳозиржавоб-лик ҳақида фикрлашишга чақирди. Қуйида сиз уларнинг "Давра суҳбати"да билдирган мулоҳазалари билан танишасиз.

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ, академик: — Бугунги адабий жараёндан хабардор китобхонга аёнки, ижобий қаҳрамон образини яратишдан ёзувчиларимиз воз кечганлари йўқ. Ижобий қаҳрамонларнинг образлари яратилаётир. Буни, аксарият ҳолларда, тарихий мавзудаги асарларда кузатишимиз мумкин. Бироқ бугунги, бизга замондош бўлган, чинакам қаҳрамонлик намунасини кўрсатаётган кишилар образи чизилган бадиий асарлар кам.

Бизга, умуман, шундай асарлар керакми, деган савол туғилиши мумкин? Жавоб битта - албатта керак! Негаки, мустақиллигимизнинг ўн йили мобайнида давр ўзининг қаҳрамонларини майдонга олиб чиқди, бироқ бу йилларда тарих ғилдирагини айлантирганларнинг ибратли фаолияти асарларимизда тўла акс этмаётгандек кўринади. Ўн йил ичида ҳазилакам бунёдкорлик ишлари амалга оширилдими? Ўзбекистонда автомобил саноатига асос солинди, биз чет элларга энг замонавий автомобилларни чиқара бошладик. Нефт, газ саноати мамлакат халқ хўжалигини бу зарур маҳсулот билан тўла таъминлаб, ҳатто четга экспорт қиладиган даражага эришди. Қанчадан-қанча қўшма корхоналар ишга тушди, шаҳарларимиз қиёфаси ўзгариб бораяпти... Буларнинг ҳаммаси осмондан тушган ёки ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Балки уларни сизу бизга ўхшаган шу озод юртнинг одамлари бунёд этишди. Бу бунёдкор қаҳрамонлар ҳақида, албатта бадиий асарлар яратилиши керак.

Адабиётимизнинг кейинги йиллардаги тараққиётига назар ташлаганда қизиқ бир ҳодисани кузатиш мумкин. Яқин ўтмишда, "қайта қуриш" деб номланган даврда адабий жараёнда урф бўлган танқидий руҳ кейинги йилларда ҳам давом этди. Шўро замони иллатларини танқид қилиб ёзилган бири-бирига ўхшаш, бири иккинчисини такрорлайдиган асарлар кўпайиб кетди. Қўлидан келган ҳам, келмаган ҳам ўша давр ҳақида ёзаверди. Бу асарлар, очиғи, менга кўпдан ёқмайди. Чунки деярли ҳаммасида бир хил гаплар, бир хил воқеалар...

Мана энди муайян вақт ўтди, сув тиниди. Атроф-муҳитни теран кузатиб, ҳаётнинг ижобий томонларига ҳам теранроқ назар солиш фурсати етди. Чунки биз энди бутунлай бошқа тарихий даврда яшаяпмиз. Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида, турмушида рўй бераётган янгиланиш жараёни бу даврни чуқур тушуниб, бадиий таҳлил этишни тақозо қилаётир. Мустақилликнинг ўзи ҳам осонликликча қўлга киритилгани йўқ. Мустақилликнинг яратувчилари бор, унинг илдизини таъмин этганлар бор. Уларнинг фаолияти ҳам ёзувчига етарли материал бериши аниқ.

(Давоми 2-3-бетларда.)

Исмоил БЕКЖОН,
филология фанлари номзоди

ҚЎЛ ЕТМАС ЮЛДУЗ

Бобур ва Жом жанги

Сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, "Бобурнома" икки хилда тартиб берилган бўлиб, унинг биринчиси 1528 йил май ойида ёзила бошланган ва ўша йилнинг декабрида ниҳоясига етказилган. Асар ўша давргача, яъни 1493 йилдан 1528 йил декабри воқеаларигача йилларни тўлиқ ўз ичига олган ҳолда, пухта режа асосида бор ерида муаллиф кундаликларидаги қайдлар, йўқ жойида Бобурнинг кучли хотирасига суяниб битилган. "Бобурнома"да ёзилишича, Бобур асардан нусха кўчиртириб, уни 1529 йилнинг 3 мартидаёқ Кобулга, аниқроғи, ўша йилнинг 3 февралида Ҳиндистондан ўз юрти Самарқанд сари йўлга чиқиб, шу шаҳарда тўхтаган Хожа Калон Хожа Яҳё набираси учун юборган.

Бунга яна қўшимча далил шуки, Бобурнинг 1528 йил 28 декабрда тартиб берган ва 1529 йил 3 февралда Кобулдаги Ҳумоюн ҳамда Комрон, Хожа Калонбекка йўллаган Ҳиндистон девонининг Рампур қўлёзма нусхасида муаллифнинг қўйидаги сўзлари мавжуд: ***"Ҳиндистон жониби азимат қилғоли айтилғон ашъор бу эдиким, таҳрир қилдим, кечғон вақоеъ улдур таҳрир қилибтурмен, нечукким бу авроқда мастурдур, ул ижрода мазкур".***

Мазкур девонда қуйидаги рубоий ҳам ўрин олган бўлиб, бизнингча, бошқа шеърий намуналар қатори у ҳам "Бобурнома"нинг ўша биринчи таҳририда ҳавола этилган:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидан турфа ситамлар кўрдум.
Ҳар ким бу "Вақоеъ"ни ўқур, билгайким,
Не ранжу, не меҳнату, не ғамлар кўрдум.

Афсуски, 1528 йили тартиб берилган ва ёзилиши ҳамоно Бобурнинг ота ватани Мовароуннаҳрга юборилган мазкур биринчи таҳрир нусхалари ҳозирча топилмай келаётир.

"Бобурнома"нинг бизгача етиб келиб, аслича ва бошқа ёзув ҳамда тилларда нашр қилинган ноқис қўлёзма нусхалари эса асарнинг 1529 йил август – 1529 йил ноябр ойлари ичида ўша биринчи таҳрирнинг қайта кўрилиб, 1530 йил ўрталарида яна охирига кўшимчалар илова этилган иккинчи таҳриридир. Қайта таҳрир чоғи баъзи далилларнинггина илгариги матнга қўшилганини ҳисобга олинмаса, биринчи таҳрир деярли ўзгаришга учрамаган. 1528 йилдан кейин рўй берган воқеаларга оид маълумотларнинг асар таркибига қўшимча қилиниши эса табиий ҳол. Кейинги фикримизни тасдиқлаш учун қуйидаги мисолни кўриб чиқайлик:

911 (1505-1506) йил воқеалари бобининг ёзилиш даври икки хил эканлиги кўзга ташланади. Бобур султон Ҳусайн Мирзонинг катта қизи Султонимбегим ҳақида ёзаркан, унинг ўғли султон Муҳаммад Мирзога "бу тарихта Қанауж вилоятини" бергани хусусида сўз юритади. "Бобурнома"дан биламизки, мазкур султонга Қанауж 933 йилнинг 23 ражабида (1527 йилнинг апрели) суюрғол қилинган. Шундан сўнг, Султонимбегимнинг Кобулдан "ушбу тарихта набирасини олиб, Ҳиндистонга келатурғонда Нилобта" вафот этгани, нашъини Кобулга олиб қайтганлари ва набирасининг эса Оврага етиб келгани илова қилинади. "Бобурнома"дан яна маълумки, Султонимбегим Хоразмдан Бобур қошига — Кобулга 1519 йили келган эди. У 1529 йил 22 январида эса Бобурнинг оила аъзолари билан Кобулдан йўлга чиқиб, Ҳиндистонга бораётганда чегара шаҳар Нилобда 1529 йил 18-28 феврал кунлари орасида вафот этади, набираси бўлса Оврага 1529 йилнинг 23 июнида етиб боради. Кўринадики, Султонимбегимга бағишланган битта кичик хабар икки хил санадан туриб тартиб берилган: 1527-1528 йиллар ва 1529 йил охирлари.

Энди мазкур фикримизни бошқа далиллар билан ҳам тасдиқлаш мақсадида айнан шу 911 ҳижрий (1505-1506) йил бўлимидаги шоир Ҳилолийга бағишланган парча маълумотларига эътиборни қаратамиз: Бобур Ҳилолийни "бу тарихта (яъни китоб тартиб берилаётган пайтда — ***И.Б.***) ҳам бордур", дея хабар беради.

Тарихдан маълумки, шоир Ҳилолий 1529 йил 21—24 октябр оралиғида Хиротда шайбоний Убайдуллохон бўйруғига биноан қатл этилган. Демак, Бобур 1506 йил воқеалари ичида Ҳилолийга оид келтирган хабарни 1529 йил октябридан илгарироқ, аниқроғи, 1528 йил охирларида ёзган ҳамда иккинчи таҳририда бу маълумот ўз ҳолича, яъни назардан четда қолиб, ислоҳга учрамаган.

Асардаги барча йил воқеалари тўлиқ ҳолда пухта режа асосида баён этилиб, аммо қўлимизда мавжуд қўлёзма нусхаларнинг, афсуски, бизгача ноқис ҳолатда етиб келганига яна юқоридаги сингари кўплаб аниқ далилларга асосланган мисоллар келтиришимиз мумкин.

Ушбу шарҳ-мақола орқали эса "Бобурнома"да қайта-қайта тилга олинган бир воқеа — шайбонийлар ва сафавийлар ўртасида рўй берган Жом жанги воқеаси ва унга Бобурнинг муносабати мавзуи атрофида сўз юритиш ниятидамиз. Чунки бу воқеа доимо ота юрт соғинчи ва унга қайтиш иштиёқи билан яшаган Бобур Мирзо қалбида вақтинчалик бўлса-да, яна умид учқунларини чақнатган, қолаверса, ҳақиқатан ҳам мазкур жанг сабабли XVI аср Ўрта Осиё сиёсий ҳаётида яна бир катта ўзгариш юз беришига бир баҳя қолган.

Ҳижрий 935 йил сафар ойининг ўнида (1528 йилнинг 25 октябри) Бобур Мирзо Хуросон аҳлига истимолат (ўзи томонга оғдириш) фармонларини юборади. Зеро, унинг мақсади 5-6 ой ичида Ҳиндистоннинг ҳали тасарруфга ўтмаган юртларини қўл остига киритиш ва яна душманлашиб қолган ҳиндистоний амир, султонларни маҳв этиш, ундан кейин Ҳиндистонни ўғилларидан биттасига бериб, бўйсунган ҳинд умаро-ю, султонлари ҳамда "бошқа борар жойи йўқ" тоғаваччалари Чин Темур султон, Эсан Темур султон, Тўхта Буға султон, Бобо султон ва султон Ҳусайн Мирзо авлодидан Муҳаммадзамон Мирзо, Муҳаммадсултон Мирзо, Қосим Ҳусайн султон, Абдулло султон, Андижондан то Ҳиндистонгача Бобур билан бирга жон олиб, жон берган яқин бек, амирларга юрт ва парганалар тақсимлаб, ўша ўғлига юкундириш, ўзи эса Кобулга келиб, гоҳ сафавийлар, гоҳ шайбоний султонлари қўлига ўтавериб, вайрон-хароба бўлаётган Ҳирот, Балх каби айрим Хуросон ерларини ўз паноҳи остига олиш эди. Бўлмаса, икки йил илгари арзимаган бир вазиятда, Балҳдек ўлка шайбонийлар қўлига ўтгани каби (бу воқеа Ҳумоюннинг 1525 йил сентябрида Ҳиндистон сафарида қатнашиш учун Қалаи Зафардан чиқиб кетганидан сўнг рўй берганди), у томонлардаги бошқа маврусий ерларни ҳам душман эгаллаши эҳтимоли йўқ эмасди. Мовароуннаҳр етмаганидек, Хуросондан ҳам айрилиш ва фақат Ҳиндистондек узоқ ўлкадагина қолиб жон сақлаш Бобур учун ўлим билан баробар эди.

"Ҳиндустоннинг шарқ ва ғарб ёғийларидин ва кофирларидин тенгри иноятн билан хотирлар жамъ бўлди. Ушбу ёз тенгри рост келтурса, албатта, ўзумизни ҳар навъ қилиб еткургумиздур", деб ёзган эди Бобур подшоҳ ўша истимолат фармонларида. Демак, унинг режаси бўйича, Ҳиндистондан Кобулга қайтиши 935 йил рамазон-шаввол (1529 йилнинг май-июн) ойларида амалга ошиши керак эди.

(Давоми 4-бетда.)

ЭНГ МУҲИМ САБОҚ

Муносабат

Ўтган йили Нуротада хизмат сафарида бўлганимда бир суд жараёнида иштирок этдим. Қора курсида йигирма икки-йигирма уч ёшлардаги йигит ўтирарди. У "Хизбут-таҳрир" гуруҳининг турли диний-экстремистик варақаларини тарқатгани учун суд олдида жавоб берарди. Суд жараёнида судя унга шундай савол берди:

— Сиз уйингизга дарвозадан эмас, девордан ошиб кирар экансиз. Бунинг сабаби нима?

Судланувчи ўйлаб ҳам ўтирмай қуйидагича жавоб қайтарди:

— Мен "кофирлар" билан бир дарвозадан кириб-чиқишга хазар қиламан.

Хўш, бу дарвозадан кимлар кириб чиқади? Албатта, унинг ота-онаси, ака-укалари ва опа-сингиллари. У ўзини дунёга келтирган ота-онасини, жигарларини "кофир" деб ҳақорат қилишдан ҳам тоймади.

Яна бир воқеа:

2000 йилнинг ёзида Андижоннинг Пойтуғ шаҳрида бўлган фожиа кўпчиликнинг эсида бўлса керак. Экстремистик кайфиятдаги бир гуруҳ қуролланган, шубҳали шахслар шаҳардаги уйлардан бирида йиғилишади. Буни кўрган қўшнилар ички ишлар бўлимига хабар берадилар. Хонадон хушёрлик посбонлари томонидан ўраб олинади. Шубҳали шахсларга қуролларни топшириб, таслим бўлиш таклиф қилинади. Аммо улар шартга кўнмай қаршилик кўрсатадилар. Хонадон эгаси қўлга тушишдан бошқа йўл йўқлигини сезгач, ўз ўғилларини гаровга олади. Улардан тирик қалқон сифатида фойдаланмоқчи бўлади.

Шу пайт бу ерга хонадон эгасининг отаси етиб келади ва ўғлидан невараларини ташқарига чиқариб юборишни илтимос қилади. Аммо ўғли кўнмайди:

"Мен фарзандларимни ҳеч қачон сенга ўхшаган "кофир"ларга бериб қўймайман", дейди.

Эътибор берган бўлсангиз, бу воқеада ҳам фарзанд ўз ота-онасини "кофир"ликда айблаяпти.

Энди ўйлаб кўрайлик. Бундай ёшлар қаердан пайдо бўлди? Қачондан буён ўзбек фарзандлари ота-онасини ҳақорат қиладиган бўлиб қолди? Шарқда, хусусан бизнинг халқимизда ота-онани "кофир" дейиш у ёқда турсин, ҳатто юзига тик қараш, гап қайтариш ҳам гуноҳи азим ҳисобланган-ку. Исломда ҳам бундай муомала шаккоклик сифатида қораланади. Ота-онага, катталарга ҳурмат, уларнинг иззатини жойига қўйиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Унда нега бугун бу қутлуғ анъана бузила бошлади? Нега ёшларимиз орасидан ола чиқаяпти? Нега айрим ёшлар нафақат ота-онасига, балки она-Ватанига, ўзи туғилиб ўсган юртга хиёнат қилишдек пасткашликка бориб етди?

Бу саволлар барчамизни ўйлантириши, ташвишлантириши керак. Айрим оилаларда фарзанд тарбияси назоратдан четда қолгани сир эмас. Натижаси эса маълум. Президентимиз таъкидлаганларидек, қаердаки бўшлиқ бўлса ўша жойни ёт мафкура эгаллайди. Куч-ғайратга тўлган, шижоатли, аммо иродаси бўш айрим ёшларимиз турли динийэкстремистик гуруҳлар таъсирига тушгани ҳам бор гап. Энг ачинарлиси, улар ўзлари "танлаган" йўлни ҳақ йўл деб биладилар. Биз тўғри иш қилаяпмиз деб ўйлайдилар. Аслида эса Ватанга, ота-онага хиёнат ҳеч бир замонда оқланмаган. Бу йўлга кирганларнинг юзи ҳамиша эл-юрт олдида қаро бўлган.

Шундай экан, фарзанд тарбияси, ёшлар маънавияти ҳамиша диққат-эътиборимизда бўлиши лозим. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқида жамоатчилик эътиборини ушбу масалага қаратиб шундай деди: "...Ватанимизнинг эртанги кунини, шунча машаққатлар чекиб қилган ишларимизнинг мевасини кўрмоқчи бўлган, ўз зурёдларининг бахту иқболини истайдиган ҳар бир одам — у ким бўлиши, қандай лавозим эгаси эканидан қатъи назар бу масалада четда турмаслиги керак. Бугун бу ўта муҳим масалага бепарво қарашга, лоқайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ."

Демак, бўлиб ўтган воқеалардан чиқарадиган энг зарур сабоғимиз ҳам ҳушёрликни қўлдан бермаслик ва ёшлар тарбиясига иккинчи даражали иш сифатида қарамасликдир. Бу ҳаммамиз учун ҳам энг аён ҳақиқатдир.

Б.УММАТОВ

"МАНГУ МАШЪАЛ"

Янги спектакл

Бу йил мамлакатимизда қадимий меросимиз "Авесто" яратилганининг 2700 йиллиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан куни кеча Муқимий номидаги театрда "Мангу машъал" икки пардали мусиқали драмасининг премьераси бўлди. Асар муаллифи Йўлдош Муқимов. Мусиқаларни Баҳрулло Лутфуллаев ёзган. "Авесто" ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур асар илк саҳнасидаёқ томошабинларда илиқ таассурот қолдирди.

Элдониш, Ерўғлон, Хурмузд, Ахриман, Момо Онақут сингари асосий ролларда театрнинг таниқли санъаткорлари Наима Пўлатова, Насриддин Рустамов, Тоҳир Раҳимов, Турсунбой Пиржонов ва бошқалар қатнашмоқдалар. Асарни режиссёр Баҳодир Назаров саҳналаштирган. Дирижёр республикада хизмат кўрсатган артист Эргаш Тошматов.

Рассомлар Миртожибой Мақсудов ва Алексей Агузаровлар "Авесто" яратилган даврга мос ишлаган саҳна безаклари ҳам асар ғоясининг томошабинга тўлақонли етиб бориши учун хизмат қилган.

СУРАТДА: асардан саҳна

МАЪРИФИЙ АНЖУМАНЛАР

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Навоийхонлик тадбирлари кенг кўламда давом этмоқда.

Аёлни ҳазрат Навоийчалик куйлаган, кўкларга кўтарган зот бўлмаса керак:

Кўз бирла қошинг яхши,
қабоғинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши,
дудоғинг яхши,
Энг бирла менгинг яхши,
сақоғинг яхши,
Бир-бир не дейин,
бошдин аёғинг яхши.

Қаранг таърифу тавсифни. Аёлга бундан-да ортиқ баҳо бўладими! Зеро, бу буюк зот шеърий даҳосида юқоридаги каби таърифига қалам ожиз мисралар бисёрдир.

Афсуски, бугунги ёш авлоднинг Навоий даҳосидан бахрамандлиги кўнгилдагидек эмас. Шунинг учун навоийхонлик кечаларини фақат шоир таваллуди кунларида эмас, мунтазам давом эттириш зарур. Олий ўқув юртларининг филология факултетларида, мактабларда Навоий ижодиётини аллақачон фан сифатида ўқитиш вақти етди.

Яқинда Миллий матбуот марказида Навоий таваллудига бағишлаб ўтказилган ижодкор аёллар йиғинида ана шу ҳақда қимматли фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Шоирнинг дилбар ғазалларидан намуналар ўқилди. Айниқса, олималар Суюма Ғаниева, Шафиқа Ёрқин, шоиралар Турсуной Содиқова, Фарида Афрўз, Умида Абдуазимова, Раъно Ярашева, журналистлар Холида Аҳророва, Дилбар Маҳмудованинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Улуғ бобомизнинг замондоши Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 518 йиллигига бағишланган анжуману адабий кечалар Навоий тантаналарига уланиб кетди.13-14 феврал кунлари Андижонда халқаро миқёсда Бобурга бағишланган илмий анжуманлар бўлди.

Бу тадбирлар ҳақида газетамизнинг келгуси сонида ўқийсиз.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА САНЪАТ

Санъатнинг ҳеч бирини буюк даҳо Алишер Навоий ижодиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шоирнинг фақат ижоди эмас, ҳаёти ҳам ҳамиша санъат аҳли диққат марказида бўлиб келган. Санъатнинг турли соҳалари бўйича мутахассислар баҳоли қудрат Навоий ижодини тадқиқ этиб келмоқдалар. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида "Алишер Навоий ва санъат" мавзуида ўтказилган илмий анжуманда ана шундай тадқиқотлардан намуналар тингланди.

М.Набиев, Т.Ғофурбеков, О.Иброҳимов, Р.Абдуллаев, П.Зоҳидов, Ҳ.Акбаров ва бошқаларнинг Ўзбекистон рассом-лик санъатида Навоий қиёфасини яратиш, буюк шоирнинг бастакор-лик ижодиёти, Навоий назмида мақом санъати, меъморлик масалаларига Навоийнинг муноса-бати, миллий кино санъати ва Алишер Навоий, композитор М.Бурҳонов ижодида улуғ шоир сиймоси мавзуларидаги маъруза-лари йиғилганларда яхши таас-сурот қолдирди.

Нигора КАМОЛОВА,
Санъат институти талабаси

ЯНГИ ТАРОНАЛАР

"Ишқ бошқа, ҳавас бошқа" деганларидек, ҳар бир хиргойи қилувчи қўшиқчи бўлиб қолмайди. Ҳақиқий хонанда бўламан, деган одамда аввало Оллоҳ берган истеъдод, қолаверса, санъатга фидойилик бўлиши лозим. Санъат оламига дадил қадам қўйишда эса ҳаваскорларга турли кўрик-танловлар ёрдам бермоқда.

Куни кеча "Туркистон" саройида биринчи босқичи якунланган "Янги тароналар" миллий эстрада қўшиқлар танлови ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмаси ўтказган бу тадбирда ёш хонандалар қатнашдилар. Улардан энг яхшилари танлаб олиниб, "Наврўз" байрами концертида қатнашишга тавсия этилди. Навбатдаги иккинчи, учинчи босқичлар март-апрел ойларида бўлиб ўтади.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат Академик драма театри Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан замонавий мавзудаги энг яхши драматик асарлар танловини эълон қилади.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИНИ ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР КУТМОҚДА:

Битта биринчи мукофот — 200000 сўм;
Битта иккинчи мукофот — 100000 сўм;
Битта учинчи мукофот — 50000 сўм.

Асарлар 2 нусхада икки ораликда кўчирилган ва 45 бетдан кам бўлмаслиги керак. Танловга тақдим этилган асарлар 2001 йил 1 майгача қабул қилинади.

Манзил: 700011, Тошкент ш. Навоий кўчаси,34 уй.
тел: 144-35-42, , 144-33-75.

Шуҳрат АББОСОВ:

ХАЛҚИМНИ УЛУҒЛАШНИ ИСТАЙМАН

Бугунги кунда 70 ёшини қаршилаётган Ўзбекистон халқ артисти, профессор Шуҳрат Аббосов ажойиб суҳбатдош. У билан қаерда, қай вазиятда суҳбатлашмай, ҳар гал завқланаман, шундай билимдон санъаткор миллий маданиятимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётганидан хурсанд бўламан. Куни кеча яна аллома санъаткор билан ҳамсуҳбат бўлдим.



— Шуҳрат ака, қирқ йилдан буён давом этаётган ижодий фаолиятингиз осон кечмагани, меҳнат машаққатлари, бедор тунларга бой бўлганини биламиз. Лекин барибир, сиз бахтли санъаткорсиз. Ахир Жалолиддин Мангуберди, Мирзо Улуғбек, Гавҳаршодбегим, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ҳамза, Шомаҳмудов каби улуғ инсонлар сизнинг сценарий ва филмларингиз қаҳрамонлари бўлдилар...

— Бу улуғ зотлар ҳақида асар яратаётганда катта илҳом билан, қайнаб-жўшиб ижод қилиш мумкин. Зеро, уларнинг ҳар бирида халқимизнинг буюк фазилатлари мужассамдир. Қуёш барчага баробар нур таратганидек, бу сиймолар бутун билими, истеъдоди, ақл-заковати билан инсоннятга хизмат қилганлар. Айтайлик, Берунийнинг Ҳиндистонга бориб, бу юртнинг тарихини ўрганиш борасида қилган хизматлари бутун инсоният учун ҳеч унутилмасдир. Ёки биз билан бир даврда яшаган оддий кишилар — Шоаҳмад Шомаҳмудов ва Баҳри Акрамоваларни олайлик. Улар бир неча миллат фарзандларини бағрига олиб, бошпана бериб, худди ўз боласидек парваришлаб, вояга етказганлар. Бугун ҳам халқимизга сидқидилдан хизмат қилаётган, эли, юрти учун ёниб яшаётган юртдошларимиз кўп. Мен ҳам кўп қатори, гоҳ камера билан, гоҳ қалам билан ижод этиб, сафда бўлишни, халқимизни улуғлашни истайман. Бу истак менга ҳамиша куч-қувват, илҳом бағишлайди. Айни кунларда бу ҳақда баланд овоз билан гапиргим келади. Чунки шўролар даврида филмларимизни ҳукумат тасдиғидан ўтказиш осон кечмаган. Бир гал асаримдан Бобурнинг исмини олиб ташлашни талаб этганларида жуда алам қилганди. Афсуски, ўша даврларда тасмани айтган жойидан қирқиб ташламасанг, филм чанг босиб ётаверар ёки ёқиб юборилардаи.

Ҳозир ўшандай қирқилган кадрларни эсласам, юрагим

Учрашув

эзилади. Ахир, "Тошкент — нон шаҳри"нинг деярли ярми кесилди-я... Тўғри, баъзан ўзимиздан ҳам кўрқар, чўчир эдик — буни инкор этиб бўлмайди. Лекин, барибир, ўша пайтда ҳам ҳақ гапни айтишга эришган вақтларимиз ҳам бўлган. Масалан: "Сен етим эмассан" филмидан уруш йиллари оч қолганлар тасвирланган кадрларни олиб ташлашга буйруқ берганлар. Кўнмаганман. Виждонимга, ҳақиқатга қарши иш қилмаганман.

— Қайси даврда яратган филмингизни кўрмайлик, ҳар бирида янги актёр, янги истеъдод бўй кўрсатганининг гувоҳи бўламиз. Актёрлар билан ишлаш тарзингиз қандай?

— Юртимиз истеъдодларга бой. Фақат уларни топа билиш керак. Актёрлар билан ишлаганда улардан ҳам жуда кўп нарсаларни ўрганганман, ижодларидан завқ олганман. Ҳозир ҳам шундай. Масалан, "Маҳаллада дув-дув гап" филмида Марям Ёқубова, Раҳим Пирмуҳамедов, Ҳамза Умаров каби актёрлар ижросидан, улар топган имо-ишоралар, қилиқлардан қотиб-қотиб кулганман... Бундай актёрлар билан ишлашнинг ўзи завқли. Немис санъаткори Макс Рейннинг "Актёрни милтиққа ўқлайдиган киши — режиссёрдир", деган ибораси бор. Уни "милтиққа ўқлашдан" олдин ҳис-ҳаяжон, фикр билан астойдил тўлдириш керак. Аккумуляторга ток бергандек, уларга ҳам "ток" бериш керак. Бахтга қарши "ток" қабул қилмайдиган — актёрлар ҳам бўлади...

— Қирқ йиллик тажрибангиз бор. Шундан келиб чиққан ҳолда ижоднинг энг муҳим қонуниятларига тўхталсангиз.

— Энг аввало, ижод билан олий мақсад йўлида шуғулланмоқ керак! Шунда ҳаёт икир-чикирлари ҳам, айрим қийинчиликлар ҳам унут бўлиб, яхлит, монументал асар ҳақидаги фикр бўлинмайди. Кинода бу талаб биринчи ўринга чиқади. Чунки филм кўпчилик иштирокида яратилади-да! Актёр ижоди ҳақидаги мулоҳазамизни давом эттирадиган бўлсак, бу саволингизга янада аниқроқ жавоб топамиз: ижрочи ўз қаҳрамони пировардида нимага эришиши, унинг тақдири қандай бўлишини билиши керак. Бунга эришиш осон эмас. Актёрлар турли театрлардан келадилар. Тайёргарлиги, феъл-атвори турлича, баъзан санъатга алоқаси йўқ одамлар билан ҳам ишлашга тўғри келади. Уларни урушмай, сўкмай, йўлга солиб, уюшқоқ ижрочилар гуруҳини яратиш талаб этилади.

— Шундай дейсиз-ку, катта, мураккаб мавзулар устида ҳар доим ҳам мэлакали режиссёрлар ишламоқда, деб бўлмайди...

— Тўғри айтасиз. Бироқ, яхши филмларни олдиндан режалаштириб бўлмайди. Филмлар сони қанчалик кўп бўлса, бақувват кино асарларининг пайдо бўлиш имконияти шунчалик кўпаяди. Бундан ташқари, кинотеатрларда йиғилаётган маблағга қараб филм ҳақида қатъий ҳукм чиқариб бўлмайди. Японларнинг зўр филми бор — "Яланғоч орол" деган. Бироқ уни томошабинлар деярли қабул қилмаган. Демоқчиманки, режиссёр ҳам ўз устида ишлаши керак, айни вақтда, томошабин ҳам ўзини тарбиялаши зарур... Уйимизда, телеэкранда хорижан келтирилган сериалларни жуда кўп кўришади. Мен бир-икки дақиқа кўриб, тескари қарайман, хонани тарк этаман. "Нимасини кўрасизлар? Кўриб бўлмайди-ку, бу сохта кадрларни!", десам, "Йўқ, қизиқ-ку!", дейишади. Нима қилиш керак? Ёшларга ибрат бўладиган қаҳрамонлар сиймосини яратишга томошабинга етиб бориши йўлларини ҳам ўйлаш керак эндиликда. Ахир, ҳар бир асаримизга қанчадан қанча пул, меҳнат, вақт сарфланади.

— Таваллудингизнинг етмиш йиллиги арафасида нималар ҳақида гапиришни истайсиз?

— Катта воқеалар содир бўлаётган икки асрни кўрганимдан хурсандман. Юртимизда улкан ишлар амалга ошириляпти. Президентимиз жон куйдириб ўзлигимизни англашга, тарихимизни тўғри идрок этишга, ва айниқса, бугунги ёшларга ибрат бўладиган қаҳрамонлар сиймосини яратишга даъват этмоқдалар. Эришган энг катта ютуғимиз — ижод эркинлиги. Унинг қадрига етишимиз керак.

Ҳамидулла АКБАРОВ суҳбатлашди

ОРОЛ ДАРДИГА ДАВО

Орол муаммоси пайдо бўлганига кўп йиллар бўлди. Хўш, денгизнинг қуриши туфайли келиб чиқаётган экологик вазиятни юмшатиш мумкинми? Олимлар бу борада турли таклифларни илгари суришмоқда. Бу борада ўрмон-чиларнинг ҳам ўз таклифи бор.

Қизилқумнинг 25 миллион гектарга яқини республикамиз ҳудудида жойлашган. Унинг 5 миллион гектардан ортиғида кўчувчи қум барханлари бўлиб, шундан 1 миллион гектарида эса қумнинг кўчиш хавфи жуда кучли. Бу қумлар ўтган асрнинг 40-йилларигача шамол йўналишига қараб доим ҳаракатда бўлиб турган.

40-йиллардан бошлаб қум барханларининг ҳаракатини тўхтатувчи тадбирлар ишлаб чиқилиб, бу вазифани амалга оширувчи гуруҳлар ташкил этилди. Шу асосда аста-секин Қоракўл, Тўрткўл ва Шофиркон ўрмон хўжаликлари ташкил этилиб, кўчиб юрувчи қум барханларини тўхтатишга сафарбар этилди. Қўллар атрофида ўсувчи юлғун ва қамишлар ўриб олиниб, туя, от, эшакда юзлаб километр масофаларга ташилди ва қум барханлари атрофларига сунъий тўсиқлар ўрнатилди. Тўсиқлар ичига саксовул, черкез, қандим каби табиий чўл ўсимликлари уруғи ва қаламчасидан экилиб, аста-секин чўл ўрмонзорлари вужудга келтирилди. Бу машаққатли ва тинимсиз саъй-ҳаракат 60-йилларга келиб ўз самарасини бера бошлади. Кўчма қум барханлари аста-секин ям-яшил ўрмонзорлар орасида қолиб, ўз-ўзидан текис ерга айланди.

Ҳозир бир пайтлар ҳар қандай нарсани бир зумда ўз домига тортиб кетган Қизилқум ҳудудида 6 миллион гектардан ошиқ майдонда чўл ўрмонлари - саксовул, черкез, қандимзорлар барпо қилинган.

Минг афсуски, Орол денгизининг қуриши Қизилқумдаги қум барханларини ушлаб турган ўрмонзорларга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Оролнинг суви қуриган майдонларда 1990-2000 йиллар мобайнида ўрмончиларимиз олиб борган изланишлар натижасида мувозанатни тиклашнинг икки йўли илгари сурилди.

Она сайёра - кўрикхона

Биринчи йўли, бу Оролни сувга тўлғазиш. Аммо бу жуда қийин ва катта маблағ талаб қиладиган иш.

Иккинчи йўли, денгиз суви қуриган майдонлар — чангиб туз кўтарилаётган ерларда тезлик билан ўрмонзорлар барпо этишдан иборат. Шундай қилинса, Оролнинг саёзлашуви боис атроф-муҳитга етаётган нохуш таъсирни кескин камайтириш мумкин.

Биз 1990 йилда Оролнинг суви қуриб, чангиб ётган ерларида синов-тажриба ишларини бошладик. Ўша ернинг тупроқ шароитига мос саксовул, черкез, қандим каби чўл ўсимликларини экдик. Ҳозирги кунга келиб 120 минг гектар майдонда ям-яшил, бўйи 5-6 метр келадиган саксовул ўрмонзорлари вужудга келган. Ўрмонлар ичида ҳар хил ўт-ўланлар ва ҳатто ёввойи жониворлар ҳам кўпайди. Ўрмонзорлар майдони қанча кенгайса, ер ости сувларининг кўтарилиши шунча камаяди. Шунингдек, шўрланишнинг ҳам олди олинади. Энг асосийси, ҳавога кўтариладиган заҳарли чанг ва тузлар тўхтаб, текисликлар барқарор ҳолга келади.

Бу ишларнинг, албатта, мураккаб жиҳатлари ҳам бор. Чўл ҳудудларида ўрмон барпо этиш учун миллион-миллион туп кўчат, юз тонналаб чўл ўсимликлари уруғлари керак бўлади. Минг-минглаб куб метр қамишлар қирқилиб, кўчат ва уруғларни шамол учириб кетмаслиги учун механик тўсиқлар қилинади. Энг қийини — иш асосан айни об-ҳаво совуқ кезлари (ноябр, декабр, январ, феврал, март) амалга оширилади. Кучли шамол, чанг-тўзон доимий равишда бўлиб турган шароитда ҳам ўрмончиларимиз Оролнинг қуриган ерларида ҳар йили 15 минг гектардан ошиқ ўрмонзорлар барпо этмоқдалар.

Орол денгизи билан боғлиқ экологик мувозанатни тиклаш учун республикамизда жуда катта ишлар олиб борилмоқда. Президентимиз бу муаммони БМТ минбаридан туриб ўртага ташлаб, халқаро ҳамжамият эътиборини фожианинг олдини олишга қаратди. Орол ҳудудида яшовчи аҳоли саломатлигини сақлаш мақсадида дори-дармонлар етказиб берил-моқда. Орол бўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда, бугун туз ва зарарли қумлар кўтарилаётган ҳудудларни чўл ўрмонлари билан қоплаш ишларини ҳам кенг кўламда авж олдириш тақозо этилади. Бу иш кутилган самарани бериши эндиликда ҳаммага аён.

Оролдаги суви қуриган майдонларнинг 1 миллион 300 минг гектарга яқини бизнинг республикамиз ҳудудидадир. Шу майдоннинг 600 минг гектаридан зарарли чанг ва тузлар ҳавога кўтарилиб турибди. Биз ўрмончилар ҳозир бор имкониятларимизни ишга солиб, ҳар йили 15 минг гектар янги ўрмонзор барпо этмоқдамиз. Ишнинг ҳозирги маромига кўра, 600 минг гектар-ни ўрмонзор-ларга айлантириш учун қирқ йил вақт керак. Шунинг учун ҳар йили 30 минг ва ундан ҳам ошиқ майдонларда дарахт кўчатлари экишни таъминлаш, экологик мувозанатни тезроқ тиклаш имконини берган бўлур эди.

Барча суғориладиган, яъни қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган майдонлар атрофига камида ҳар 300-400 метр оралиғида 4-6 қатордан иҳота дарахтзорлари барпо этиш ҳам ижобий самара беради. Бу илмий асосланган ва синалган усул.

Маълумки, баландлиги бир метр келадиган иҳота дарахтзорлари 10 метр ердаги, 15-20 метрли дарахтлар эса 150-200 метр ва ундан ортиқ майдондаги экинларни ҳар қандай табиий офат — чанг-тўзон, гармсел шамоллардан асрай олади. Иҳота дарахтлари ўсадиган жойда зах сувларнинг кўтарилиши камаяди, ернинг нами яхши сақланади.

Гармсел шамоллар натижасида катта майдонлардаги экинларнинг ҳосилдорлиги камаяди. Демак, яшил қалқонимиз — иҳота дарахтзорларини кўпайтиришга бир кун бўлса ҳам олдинроқ киришсак, нур устига аъло нур бўларди.

Ш.ЮСУПОВ
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

ОБОД ВАТАН

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ, ёзувчи: — Ўйлаб қарасанг, инсоният тарихида Бадиий ижод деган мўъжизавий машғулот пайдо бўлибдики, ва ул ижоднинг самаралари ўлароқ мифлару достонлар (эртаклар ҳам) яратила бошланибдики, уларнинг марказида кучли ва эътиқодли қаҳрамонлар туришган. Грек-Рим аторудларида ҳам, ўзбек халқ достонларида ҳам. Ул қаҳрамонлар, албатта, ўз мақсадлари йўлида изланишади, қийналишади ва оқибат "мақсад" аталмиш орзу-истакларини рўёбга чиқаришади. Ва бу истаклар, шубҳасиз, умумбашарий-юксак ақидаларга ҳамоҳанг бўлади.

Бу борада юнонистонлик Гераклнинг инсонларга Олов олиб тушишини ҳам, ўзбек уруғларининг бирлашиши, демак, ўзаро жанжалларга чек қўядиган давлат тузилишини беихтиёр хоҳлаган ҳамда шу йўлда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган Алпомишни ҳам эслаш кифоя қилар.

Тўғри, бу қаҳрамонлар идеал қаҳрамонлар эдики, улар халқнинг орзу-умидларини ҳам рўёбга чиқарувчилар сифатида намоён бўларди. Ва ана шунинг учун бу сиймоларда инсоний ожизликлару туб ўзига хосликлар деярли кўринмасди.

Замон-замонлар ўтиб, мифу достонлар ўрнига Адабиёт номли янги мўъжиза — Бадиий ижод тури пайдо бўлди. Энди Адабиётда барча инсоний орзуларни ушатгувчи идеал қаҳрамонлар кўринмай қолди. Илло ундай хаёлий қаҳрамонлар ўрнини Ҳаётий, яъни Ибрат бўларли сиймолар эгаллай бошлади. Табиий бу ҳол Бадиий ижоднинг Ҳаётга яқинлашиб келганидан далолат эди. Ва буни инсоният тадрижий такомилидаги тафаккур ютуғи деб баҳолаш ҳам керак бўлади. Бу Ибратли қаҳрамонларда инсоний ожизликлар ҳам бор ва ҳар бирининг ўзига хос жиҳатлари — индивидуаллиги ҳам бор. Ва бу индивидуалликлар — улар яшаган муҳитнинг жуғрофий-ижтимоий-маданий ва маърифий, пироварди, миллий томонларининг таъсири-натижалари, деб ҳисобламоқ лозим. Бироқ айни чоғда бу Адабиётнинг қаҳрамонлари ҳам ўз мақсадлари йўлида интилишади, қийналишади ва аксари муродларига етишади ҳам. Етишмаганлари эса ўз эътиқодларига собитликлари ила буюк ўрнак бўлиб қолишади.

Эсланг, ушбу Адабиётнинг оламшумул алломаларини: Англияда — Шекспир, Русияда — Толстой, Ҳиндистонда — Тагор, Францияда — Балзак (Дюма ҳам), Америкада — Жек Лондону Хемингуэй...

Бу улуғ адибларнинг барча йирик асарларида — демак янги изҳорият турлари ҳисобланмиш роман ва қиссаларида ўшандоқ — инсонларга Ибрат бўларли, яъни эътиқодларига содиқ ва ғоятда изланувчан қаҳрамонларни кўрамиз ва улардан эзгулик бобида талай фазилатларни ўрганамиз: ўша Гамлетдан ҳам, ўша Пьер Безуховдан ҳам, ўша Говурмаҳону Мартен Идиндан ҳам, Хемингуэйнинг Чолию Дюманинг Монте Кристосидан ҳам.

Тўғри, бу адибларнинг кичик асарларида, яъни ҳикоя ва новеллаларида ярқ этган Ибрат намуналари кўринавермайди. Бироқ ул қаҳрамонларнинг ҳар биттасида ҳечқурса бир-иккита фавқулодда инсоний фазилатлар мавжуд бўладики, ибратталаб ўқувчи учун шу ҳам кифоядир.

Энди ўзимизнинг Адабиётимизга назар ташласак, шубҳасиз, биринчи навбатда ҳазрат Навоийнинг ижоди — у киши яратган қаҳрамонлар, чунончи, Фарҳоду Ширинлар кўз олдимизга келадики, булар ҳам каминага идеал қаҳрамонлар бўлиб кўринади. Чунки буларда инсоний ожизликлару ўзига хос-индивидуалликлар кўринмайди.

Ҳазрат Навоийдан тўрти юз йиллар берида ўтган Абдулла Қодирийимиз ижодида эса, хусусан, "Ўтган кунлар" романидаги Отабек ва Кумуш сиймоларида ҳам Идеал қаҳрамонга хос, ҳам Ибратли зотларга хос фазилатлар кўриниб туради.

Шундан кейин шўро мафкураси тазйиқида Адабиётда адабий қаҳрамонларнинг ўзига хосликлари унутиб қўя бошланди: Идеал қаҳрамон яратиш талаби билан Ибратли қаҳрамонга хос инсоний жиҳатлар назардан четда қолиши натижасида жонсиз қаҳрамонлар майдонга кела бошлади. Бу ҳол — табиий тафаккур тараққиётдан чекиниш эди.

Рост, Адабиётимизда истиснолар ҳам бўлади: мисол учун Ойбекнинг "Қутлуғ қон"и, Абдулла Қаҳҳорнинг "Сароб"и, Одил Ёқубовнинг "Муқаддас" қиссаси ва айрим романлари, жумладан, Пиримқул Қодиров билан Саид Аҳмаднинг роман ва ҳикоялари яратилди. Ва мен шу ўринда иқрор бўлиб айта олманки, бу ёзувчилар изидан Адабиётимизга кирган адибларга улар ўрнак бўлишди.

Эсланг Ўлмас Умарбекову Ўткир Ҳошимовнинг қиссалари ва баъзи ҳикояларини...

Хўш, бизга издош авлод вакиллари, дейлик, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзамов, Ҳайриддин Султон, ҳатто Тоҳир Маликлар ҳам ўз асарларида Ибратли қаҳрамонлар яратдилар дея олмайман: аммо ўша қаҳрамонларга хос кўпдан-кўп фазилатларни кўрсатдиларки, шунинг учун ҳам уларга қуллуқ қилсак арзийди.

Ҳайитмат РАСУЛ, драматург: — Агар аслини олиб қарасак, адабиётнинг ҳам, санъатнинг ҳам табиатида Ибрат бор. Улуғ шоиримиз Алишер Навоий ижодиданми ёки бошқа мумтоз адабиётимиз вакиллари асарларидан мисол келтирамизми, уларда идеал шоҳ, идеал ошиқ образлари бор. Бу хусусиятни халқ оғзаки ижодида ҳам учратамиз. Замонавий адабиёт, санъат асарларида бу Инсон масаласи тарзида қўйилиб, таҳлил этилаётир. Бироқ ҳозирги замон санъати ҳаётга қанчалик яқин, реал бўлмасин, уни Ибратли қаҳрамон образисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бу йил Истиқлолимизга ўн йил тўлади. Агар ҳозир мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этишини, яқин келажакда Ватан тақдири уларнинг қўлида бўлишини ўйласак, бу авлод тарбияси ҳар биримизни ўйлантирмоғи лозим. Хўш, бугун биз саҳнага қандай асарларни олиб чиқаяпмиз, уларни кўрган томошабинлар ўзларига қандай хулосалар чиқариб олишади, қаҳрамонимиз ким, у нимаси билан замондошларга ибрат бўлади? Мана шу муаммолар ҳар қайсимизнинг олдимизда туриши керак.

Бугунги кунда энг долзарб вазифалардан бири ёшларга ибрат бўладиган қаҳрамонлар образини яратиш. Бугун ёш авлод тарбиясига берилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига олиб чиқилгани бежиз эмас. Кеча душманлар қутқусига учган айрим ёшлар бугун ўзлигини англаб, йўл қўйган хатосини тан олиб, товба қилиб қайтиб келаётир. Бунинг ўзи кучли зиддиятларга қуриладиган драматик асарга долзарб мавзу бўлолмайдими?!

Шароф БОШБЕКОВ, драматург: — Масалага кенгроқ қарасак, яхши ёзилган ҳар қандай асар, қайси тур ва жанрга мансублигидан қатъи назар, бугунги кунимиз, замондошларимиз маънавиятини кўтаришга хизмат қилади, деб ўйлайман. Гап ўша асарнинг талант билан, маҳорат билан яратилганида. Масалан, кинода ва саҳнада ажойиб ролларни ижро этган атоқли актёримиз Шукур Бурҳоновни олайлик. Унинг миллий характерни жуда таъсирчан қилиб яратган аксарият роллари бугунги томошабинни ҳам ўйлашга, фикрлашга мажбур этади. Шу маънода жаҳон адабиёти, драматургиясида умумбашарий қадриятлар тараннум этилган мумтоз намуналар, масалан, Шекспир асарларидаги севги ва садоқат, эзгуликнинг разолат устидан ғалабасини таъмин этган фидойилик намуналари ҳам бугунимиз учун муносиб хизмат қилиши тайин.

Ҳозирги пайтда давр руҳини берадиган асарлар мутлақо яратилмаяпти, деган фикрга мен қўшилолмайман. Чунки ижодкорларимиз ҳар доимгидай бугун ҳам изланишда. Уларнинг изланишлари яхши натижалар бераётганини кўриб турибмиз. Бу ўринда мен Зулфиқор Мусоқовнинг кинодаги изланишларини таъкидлаб ўтган бўлардим. Сўнги пайтларда суратга олинган бир қатор филмларда замондошларимизнинг жонли образлари яратилганига гувоҳ бўлдик. Хусусан, "Кичкина табиб" филми айни замонавий асар.

Бироқ театр соҳасида ана шундай ютуқларга эришиш қийин кечаётганини таъкидлаш жоиз. Саҳналаримизда замонавий талабларга жавоб берадиган асарлар камчил.

М.ҚЎШЖОНОВ: — Бироқ бугун сон кетидан қувиб, шўро даврида шов-шув қилинган чучмал, сийқа қаҳрамонларни қалаштириб ташлашнинг кераги йўқ. Бизга китобхонни ўйлатадиган, фикрлашга мажбур этадиган, машаққатларни, тўсиқларни енгиб ўтиб, муваффақиятларга эришадиган, ибрат бўладиган фазилатлари билан мамлакатимиз тараққиётига улушини қўша оладиган, ички олами бой, тафаккури теран қаҳрамонлар зарур. Хўш, бундай қаҳрамонлар образларини яратиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?

Яқинда телевизордан Устюртда катта газ заҳираси топилгани ҳақида хабар берилди. Бунга ўхшаган янгиликлар, дейлик, янги саноат объекти, улкан халқаро трассалар қурилаётгани, фермерлар, тадбиркорлар қўлга киритаётган ютуқлар ҳақида кунига-кунора эшитиб турибмиз. Уни кимлар бунёд этаяпти, бу ишларни амалга оширишда қандай қийинчиликлар мавжуд, уларни бартараф этишда жонбозлик кўрсатаётганлар кимлар? Бу жараённи бориб кўриш керак, лозим бўлса ана шу бунёдкорлар билан бироз бирга яшаш керак. Аксинча, уйда ўтириб, шўро даврини қоралаб асар ёзган билан иш битмайди.

Албатта, йирик объектларга ижодий сафарларга бориш харажатни талаб қилади. Бироқ республикамизда бир йилда бир марта бешолтита ёзувчининг бирор-бир йирик қурилишга ижодий сафарини таъминлашга қурби етадиган таҳририятлар бор, деб ўйлайман. Қолаверса, ҳомийлар ҳам йўқ эмас. Навоий, Олмалиқ, Ангрен, Асака ва бошқа шаҳарларимиздаги йирик, бойбадавлат корхоналар ҳам ҳеч иккиланмай ижодкорнинг ижодий сафарларини ўз зиммаларига олишлари мумкин.

Очиғини айтиш керак, айрим ёзувчиларимизда сусткашлик кайфияти ҳам йўқ эмас. Муайян бир ҳаётий ғояга берилиш, фидойилик етишмайди. Ҳамма нарсани моддий манфаатдорликка, шароитга йўйиш ўринли эмас. Ҳар қандай шароитда ўзи тўғри деб билган улкан ғоялар учун чинакам курашган, фидойилик кўрсатган ёзувчилар адабиёт тарихида жуда кўп ўтган.

Шу суҳбат баҳонасида бир таклифимни айтсам. Телевидениеда "Ҳаёт қаҳрамони ва ёзувчи минбари" номли кўрсатув ташкил этилса. Бу минбарда қаҳрамон ўз фаолияти ҳақида ҳикоя қилса, ёзувчи унинг фаолиятини таҳлил қилиб берса.

Ҳ.РАСУЛ: — Домла Матёқуб Қўшжоновнинг ижодий сафарлар уюштириш ҳақида айтган мулоҳазаларига тўла қўшиламан. Ҳеч вақт қаҳрамон бизнинг олдимизга келиб, ўзини танитмайди. Қаҳрамон ҳаётнинг қайноқ жабҳаларидан излаб топилади. Ҳануз томошабинларни ҳайратга солиб келаётган "Навоий" драмаси ҳам ижтимоий буюртма асосида яратилгани сир эмас. Албатта, ижодкорга рағбат керак. Бироқ шарт-шароит баҳонасида қўл қовуштириб ўтириш ярамайди. Турмушдан мисол келтирадиган бўлсак, отам бойиса иморат қураман, деган фарзанд вақтини бекор ўтказиши аниқ. Бугун биздан фаоллик билан бирга фидойилик ҳам талаб этилаётир.

Бир нарсани тан олишимиз керак, ҳозирги пайтда драматургларимиз томошабин ортидан эргашиб юришибди. Бошқача айтганда, улар кўпроқ енгил кулги уйғотадиган саҳналарга ишқибоз томошабинларнинг дидига мос асарларга ружу қўйишмоқда. Ваҳоланки, драматург томошабинни ортидан эргаштириши керак. Бирикки латифанома сўз билан қаҳ-қаҳа уйғотиб, қарсак олиш — бу ҳали ижодий ютуқ дегани эмас. Қолаверса, драма сўзни эмас, томошани ёқтиради. Маънили кулги, маънили йиғи томошабинни ўйлашга, фикр юритишга ундайди.



М.Қўшжонов

Ш.Холмирзаев

Ҳ.Расул

А.Мирзаев

Ш.ХОЛМИРЗАЕВ: — Модомики Ибрат бўлгудек қаҳрамонларни кўрсатиш бугунги куннинг эҳтиёжи экан, нима қилмоғимиз керак? Ўйлаб кўрайлик: белни маҳкам боғлаб ишга киришишдан ўзга йўл йўқ. Зеро, Ибратли инсонлар ҳаётда бор...

Табиийки, ундай инсонларни Адабиётда яратиш учун Яратувчининг ўзидан ҳам ибратлилик талаб этилади. Зеро, Адабиётнинг тарихий такомили шуни кўрсатадики, ўтмишдаги барча Идеал ва Ибратли қаҳрамонларни ижод этган адибларнинг ўзлари Ибрат намуналари бўлганлар.

Шу тобда юқорида айтганим бир гапимни шарҳласам дейман. Дедимки, "... белни боғлаб ишга киришишдан ўзга йўл йўқ. Зеро, Ибратли инсонлар Ҳаётда бор...".

Ҳа, ундай кишилар ушбу кунларимизда пайдо бўлиб ва сафлари кенгайиб бораётганини эшитиб юрибмиз... холос.

Аммо ўзлари қандоқ Шахс, уларнинг хос ва индивидуал жиҳатлари қандоқ? Қолаверса, улар ахир маълум бир муҳитда — корхона ёки жамоада фаолият кўрсатадилар-ку? Ва у муҳитнинг қандай ички муаммолари бор? Пироварди, у проблемаларнинг ечилиш йўллари қандай?

Биз билмаймиз!

Билиш учун эса жойларга бориб кўриш, ўрганиш зарур. Бундай Мақсад йўлидаги ҳаракатлар уюштирилиши, лозим ҳолларда бошқарилиши ҳам керак бўлар экан.

Ҳа, масалан, яқин ижодкорларнинг бу йўриғдаги саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш ҳам зарур. Рухсатинглар билан бир-икки мисоллар айтсам: Асқад Мухторнинг "Туғилиш" романи айрим ғоявий нотабиийликларидан қатъий назар, адабиётимизда қолади. Илло унда бутун бошли бир шаҳарнинг қурилиши ҳақида ҳикоя қилинадики, бу жараёнда янги бир авлод, яъни фидойироқ ва Ибратлироқ жамоа пайдо бўлади — Туғилади. Биз асардаги Луқмончадан тортиб Фотима деган ёлғиз сингилчага қадар яхши кўриб қоламиз ва уларнинг ушбу қурилишда бахтли бўлишларини истаймиз. Дарҳақиқат, бахтли бўлишади ва бизни ҳам бахтиёр этишади. Қарабсизки, ўшандоқ қурилишларга бориб ишлаш учун талабгорлар чиқиб келаётир...

Адабиётнинг кучи шу бўлса керак-да.

Хўш, Тошкентдаги иссиққина уйида яшаб турган адиб бу асарни қандай қилиб яратди экан?

Асқад аканинг бир эмас, бир неча қурилишларга боргани ва ойлаб яшаганини билардик. Қарангки, раҳматли устоз билан суҳбатлашгани боришган мухбирлар у кишини коржома ва брезент этикда семон қораётган жойларида топишган эканлар.

Саид Аҳмад аканинг уч жилдлик "Уфқ" асарининг илкинжи китобини ёзиш учун маълумот йиққали Фарғона водийсига бориб, олти ойлаб ётиб изланганларини ҳам яхши биламиз.

Ёхуд Мирмуҳсин домланинг "Илдизлар ва япроқлар" романини битиш ниятида Сурхондарё чангалзорларида изғиб юрганига ўзим гувоҳ бўлганман.

Пиримқул Қодировнинг "Қора кўзлар" романига маълумот тўплагани Бойсунтоғ чорвадорлари ўтовларида яшаб, анчайин чўлиқлар билан ҳам оға-инидек бўлиб кетганларига ҳам ўзим шоҳидман, биродарлар.

Тўғри, бу асарларнинг савияси ҳар хил ва шўро мафкураси таъсири кўриниб туради. Аммо бундан қатъий назар, ёзилиб қолишининг ўзи катта гап бўлган эди. Биз ўқувчиларга кўпгина тотли дақиқаларни ҳадя этиш баробарида фикр-онгимизда яратувчилик ила машғул кишиларимиздан талайгинаси билан таништиришган эди.

Энди, асосий гап: уларнинг бу Ибрат бўлгулик ишларга рағбатлари қўллаб-қувватланган, уларнинг яшаш ва ишлашлари учун барча шароит яратиб берилган эди.

Чунки уларнинг бу ишлари — қалб эҳтиёжи бўлгани ҳолда, даврнинг талаби — ёзувчига "социал закази" эди.

Ш.БОШБЕКОВ: — Албатта, бугуннинг қаҳрамонини саҳнага олиб чиқиш, унинг ибрат бўладиган жиҳатларини намойиш этиш учун кейинги ўн йиллик даврни теран мушоҳада қилиш, мустақиллигимизни, мамлакатимизда давом этаётган ислоҳотлар моҳиятини чуқур идрок этиб, муайян хулосаларга келиб олиш лозим. Чунки қаҳрамонини яхши билмаган ижодкор яхши асар ярата олмайди. Бу муайян вақтни талаб этадиган юмуш. Мисол тариқасида айтиш мумкин: иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги энг сара асарлар урушдан кейин ўн-йигирма йиллар ўтгач юзага келди. Айни пайтда биз Мустақиллик йиллари қаҳрамонини ҳам ҳали бутун кўлами билан тўла-тўкис тасаввур қилиб улгурмаганмиз. Сабаби боя айтганимдай, янги шарт-шароитни, улкан ўзгариш, янгиланишларни ҳазм қила олмаганимизда. Бироқ мен интеллектуал кучларимизга ишонаман. Бизда ижодий потенциал катта. Яқин келажакда у ўз имкониятларини намоён этишига шак-шубҳа йўқ.

Ш.ХОЛМИРЗАЕВ: — Бугунги Кунни, яъни кўламли жараёнлар кечаётган: турли-туман қарашлар ва йўналишлар пайдо бўлиб, миллатнинг онг ва шуурида Мустақиллик мафкураси шаклланаётган ушбу кунларимизни Адабиётда акс эттириш учун бу жаҳду жадалларни ҳам, адашуви топилдиқларни ҳам, хуллас, долғали даврларимизнинг аста-секин бир ўзанга тушиб, сокин сув мисол оқа бошлашини кутиш ва ана ундан кейин Уни Адабиётда акс эттириш мумкин дейишлар — соҳилда туриб денгиздаги довулнинг тинишини кутадиган пингвинлар ҳолатини эслатади.

Бироқ тан олиш керакки, долғали даврларга нисбатан бундай муносабат кўпдан давом этиб келмоқда ва бу муносабат қандайдир даражада

ТАХАЙЮЛНИ САМОДАН ОЛДИМ

Машъал шу пайтга қадар шеърият кетидан тирикчилик қилмаган, аксинча, не машаққатлар билан топганларини шеърга «едирган» шоир. Нега десангиз, у шу кунгача биронта тўплам чоп эттирмаяпти. Нима учун? Билмадим. Унинг шеърлари билан танишиб чиқиб, бунга афсусландим, холос. Машъал ҳар нима ёзган бўлса, буни чуқур масъулият билан ёзган. У ҳам бошқа шоирлар каби Инсон ва Ватан, Севги ва Садоқат, инсон умрининг маъноси тўғрисида ёзади, лекин бу таниш мавзулар ҳақида ўз сўзлари, ўз туйғулари билан ёзади.

Мен Машъалбек шеърларининг ўзига хослиги, янгичалигини далиллайдиган кўпгина мисоллар келтиришим мумкин эди, лекин ўйлайманки, бунга ҳожат бўлмаса керак: эътиборингизга ҳавола қилинаётган шеърларни ўқисангиз, гапимнинг чинлигига ўзингиз амин бўласиз.

Абдулла Тўқайнинг «Муҳаббат ул эски нарса, аммо ҳар бир юрак ани янгарта», деган чиройли гапи бор. Шуни бироз ўзгартириб, «Шеърият ул эски нарса, аммо ҳар бир шоир ани янгарта» деса ҳам бўлар экан. Машъалбекнинг ижоди бунга яна бир далилдир.

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Машъал ХУШВАҚТ

ОДАМЛАР

Буюрсанг, зум ўтмай дунёга келар,
Тонгдан то шомгача ўзидан кечиб,
Бари билганича зироат қилар,
Деҳқончилик қилар охират учун.

Сўнг бари сен томон йўл олишар боз,
Сўнг бари сен томон шошилар, тангри.
Бироқ нега савоб кўтарганлар оз,
Нега кўпдир гуноҳ орқалагани?

Нега бари ёзуқ кўтарган бирдай,
Нега бари қоп-қоп гуноҳ ортган, воҳ! —
Маҳшар бозорида маъсият пулдай,
Маҳшар бозорида қимматдай гуноҳ...

* * *

Тийра қилдинг ичу тошимни,
Тийра қилдинг тун-кунимни ҳам.
Бўяпсан оққа сочимни,
Қора рангинг тугадими, Ғам?!

ҚОРНИ СОҒИНИБ

Қўйлагини довдир шамоллар йиртган,
Очиқ танасидан хижолат тортган,
Қишнинг қучоғида ложарам ётган
боғ, боғ.

Дала тушларига киради тўрғай,
Елвизак ўтади судралиб зўрға.
Боғда дод солади бир қари қарға
зор-зор.

Теварак юзида зоҳир мусибат,
Эзгин хўрсинади шўрлик рутубат.
Шамолга тилини берган сукунат
хор, хор.

Қарға шовқин солади яна ҳам баттар,
Дарахтлар янада тортар хижолат.
Даланинг тушлари бузилиб кетар,
Елвизак шол бўлиб қолар ниҳоят.

Осмондан қуйила бошлар дафъатан,
Дарахтлар ёлвориб тилаётган ор,
Қари қарға йиғлаб сўраган кафан—
қор, қор, қор...

САНЪАТКОРЛАР ТУҲФАСИ

Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма театрида Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишлаб шоирнинг "Ҳамса" асари асосида "Одам борки..." деб номланган мусиқали драма саҳналаштирилди. Драма муаллифи Ф.Абдуллаев. Асосий ролларни Ш.Йўлиев, Ф.Эргашев, С.Ғуломова, Ж.Шодмонова, Б.Болтабоев ижро этмоқдалар.

Вилоят халқ театри жамоаси эса режиссёр Фарҳод Ҳожиев раҳбарлигида Ойбек асари асосидаги "Бола Алишер" драмасини саҳнага қўйдилар.

Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театрида ҳам бобомизнинг тўйини нишонлашга ҳозирлик кўрилди. Театрнинг етакчи актёри, хонанда Мансурхон Маматхонов шоирнинг "Дилистоним сен менинг" газалига янги куй басталади. "Лайли ва Мажнун" мусиқали драмасидан саҳналарни Шарофатхон Тожибоева ва Абдулҳамид Одилов ижро этмоқдалар.

Ёднома

ИНСОНМИСАН – ИНСОН ЭДИ

Мен бугун номини қаламга олаётган инсон ҳазрати Навоий рақам қилганларидек, "дили поку, тили поку, ўзи пок"лик билан умр дафтарини поёнига етказган бир сиймо эди.

Олам ва одам табиати қизиқ: биров ёши улғайиб, ҳаёт тажрибаси ортгани сари ақли тўлишиб-тиниқлашади, бошқа биров Оллоҳ ўзи бошданоқ ато этган ноёб ақл-идроки билан ҳаммани лол қолдириб, комиллик сари парвоз этади. Ҳибзиддин Муҳаммадхонов кейинги тоифа кишилар жумласидан эди. Айнан шунинг учун биринчи синфдан учинчи синфга, бешинчи синфдан еттинчи синфга сакраб, ўн икки ёшидаёқ техникум, ўн беш ёшида эса олий мактаб талабаси бўлди...

Куннинг биринчи ярмида институтда Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Абдураҳмон Алимуҳамедов, Теша Салимов каби даврининг машҳур уламоларидан маъруза тинглаб, ёшлар журнали таҳририятига югурар, у ерда адабий ходим сифатида фаолият кўрсатарди.

Ҳибзиддин ака 25 ёшидаёқ — 1946 йили Ўзбекистон давлат радио қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди. У вақтларда ҳали телевидение йўқлигидан бутун аҳли илм, аҳли ижод халққа ўз ҳароратли нафасини фақат радио орқали етказиш имкония-тига эга эди. Бу ҳол радиони ижодкорлар учун халқ билан бевосита алоқанинг улкан марказига айлантирган эди. Турган гапки, илм ва ижод аҳлининг радиодаги барча чиқишлари Ҳибзиддин аканинг фаол иштироки билан амалга ошарди.

Лекин ўша замонларда энг покдил, энг тўғрисўз зиёлиларни вақти-вақти билан "чилпиб қўйиш" ҳар 5-10 йилда бир такрорланар ва ўшанда илм-ижод майдони янги ўрилган бедазордек яйдоқ бўлиб қоларди. 50-йиллар бошига келиб, навбатдаги "чилпиш" амалга оширилди. Ҳибзиддин аканинг бир неча домлаларидан ташқари Саид Аҳмад, Шуҳрат, Маҳмуд Муродов каби ижодкор дўстлари ҳам қамалиб кетди. Бу қатағон Ҳибзиддин акани ҳам четлаб ўтмади: душман унсурларига радио эшикларини кенг очиб қўйганликда айбланиб, лавозимидан олинди. Анча вақт ишсизлик азобини тортгач, ўша вақтдаги ўқув-педагогика нашриётида оддий муҳаррирлик лавозимида фаолиятини давом эттирди. Сталин шахсига сиғиниш қораланиб, сиёсий вазият бир қадар юмшагач, Ҳибзиддин ака қайтадан фаоллашиб, нашриётда аввал бўлим мудири, кейинчалик бош муҳаррир лавозимларига лойиқ кўрилди.

1956 йилнинг 4 январида "Ўзбекистон маданияти" (ҳозирги "Ўзбекистон адабиёти ва санъати")нинг биринчи сони дунё юзини кўрди. Замонасининг энг яхши журналистларидан бўлган Ҳибзиддин ака унга бош муҳаррир ўринбосари этиб тайинланган эди. Янги газетанинг қиёфасини белгилашда, унинг ўз йўлини топиб олишида бош муҳаррир ўринбосарининг ҳаммага ўрнак бўларли ақл, истеъдод ва тажрибаси алоҳида аҳамият касб этганлигининг гувоҳи бўлганман. Таҳририят таркибини шакллантиришни ўша вақтдаги раҳбарлар Ҳибзиддин ака ихтиёрига топширишганди. У киши ходимларни қандай билимдонлик билан танлаганига қойил қолмай иложингиз йўқ. Дастлабки кунлари таҳририятда иш бошлаган 12 ижодий ходимдан беш нафари кейинчалик фан доктори, уч нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонларига эришгани, икки киши республика нашриётида ва энг йирик журналларда бош муҳаррирлик даражасига кўтарилганини айтиш кифоя.

Умрининг сўнгги 30 йилдан ортиқ даври мобайнида Ҳибзиддин ака етакчи журналларимиздан бирида масъул котиб лавомизида фаолият кўрсатди. Шу тариқа бу табаррук инсон 71 йиллик умрининг 54 йилини даврий ва нодаврий матбуот равнақига бахшида этди.

Халқимизда "Дўстинг кимлигини айт, ўзингнинг кимлигингни айтиб бераман" деган машҳур нақл бор. Бу нақл худди Ҳибзиддин ака учун айтилгандек туюлади назаримда. Чиндан ҳам бу асл инсон дўстларидан баъзиларининггина номларини санашнинг ўзиёқ унинг қиёфасини яққол кўрсатади, деб ўйлайман. Мана қаранг: Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Иззат Султон, Яҳё Ғулом, Саид Усмонов, Миртемир, Ҳаким Назир, Асқад Мухтор, Шуҳрат, Матёқуб Қўшжонов, Одил Ёқубов, Аҳмад Алиев, Бурхон Зиёев... Уларнинг деярли ҳаммаси Ҳибзиддин ака фаолият кўрсатган даврнинг покдомон, ростгўй, инсоф-адолатли зиёлилари экани маълум.

"Нур қидириб" номли қиссасини тугатганида Ҳибзиддин аканинг бир оғиз илтимоси билан Ойбек ака уни тўлалигича "Ўзбекистон маданияти"да эълон қилдирганлиги ўша давргача кўрилмаган шов-шувларга, газета обуначилари сони кескин ошишига сабаб бўлганди...

1960 йили Бухорода Ҳибзиддин ака фарзандларининг онаси Муҳаббатхон вафот этганди. Марҳумни сўнгги манзилига элтувчилар орасида Миртемир домла ҳам тобутни навбатма-навбат елкасига олиб, изтиробда боргани ёдимда. Қабристонда Миртемир ака бир қари чинор тагига бориб, титроқ лаблари билан пичирлаб, ён дафтарига неларнидир шошапиша битаётганини ҳам кўрганман. Улкан шоирнинг ўша таажжубли ҳолати "Дўстимнинг хотини" деб аталмиш машҳур шеърнинг тўлғоғи эканини орадан бир неча кун ўтгач шоир уни Ҳибзиддин акага тақдим этганида билганмиз.

Абдулла Қаҳҳор Ҳибзиддин ака хонадонидаги деярли барча йиғинларга рафиқаси Кибриё опа билан бирга келар, Абдулла аканинг уйидаги қанчадан-қанча йиғинлар ҳам Ҳибзиддин акасиз ўтмас эди. Адиб дунё адолатсизликлардан азоб тортган чоғлари "яланғоч сувдан тоймас" қабилида иш тутиш фикрига келган Ҳибзиддин аканинг таҳририятдаги хонасига кириб келар, дўстлар эшикни ичидан қулфлаб, узоқ суҳбатлашишарди. Абдулла ака унинг хонасидан шаштидан тушган ҳолда юзига қон югуриб, жилмайиб чиқиб кетарди.

Ҳибзиддин аканинг дўстлари билан муносабатида бундай ибратли жиҳатлар кўп эди.

Камина бу асл инсон билан салкам ярим аср таниш бўлиб, радиода, газета-журнал таҳририятларида йигирма йилга яқин бирга ишлаганман. У вақтлар ғоят мураккаб, мафкура соҳасида текшир-текширлар кўп бўларди. Лекин вазият нечоғли мураккаб бўлмасин, Ҳибзиддин ака ўзини оқилона ва ўта хотиржам тутар, шу хусусиятлари билан нияти бузуқ текширувчиларни ҳам қуролсизлантириб қўярди.

Ҳибзиддин ака маданий ҳаётимизда воқеа бўлган янги асарлар ва таржималар, эл суйган ижодкорлар ҳақида ўзининг эҳтиросли мақолаларини эълон қилибгина қолмай, бошқаларни ҳам шундай савоб ишларга бот-бот даъват этиб турарди. Каминанинг Аброр Ҳидоятов, Сайфи Олимов каби саҳна усталари, Асқад Мухторнинг "Қорақалпоқ қиссаси", Шуҳратнинг "Олтин зангламас" асарлари ҳақидаги мақолаларим у кишининг даъвати билан ёзилганини миннатдорлик билан эслайман.

1992 йилнинг илк баҳорида Ҳибзиддин ака юрак хасталиги билан шифохонага ётадиган бўлдилар. Ўшанда мени хоналарига чақириб, ўзларига ҳамроҳ бўлишим — бир жойда ёнма-ён даволанишни таклиф этдилар. Камина бунга жон деб рози бўлдим-у, аммо ўзим ишлайдиган университетга бориб, кафедра мудиримиз кечагина тўсатдан касалхонага олиб кетилганини билиб, 'аттанг" деб қолдим. Мен мудир ўринбосари эканлигим боис ишни бошқа бировга топшириб кетишнинг имкони йўқ эди... Эртасига Ҳибзиддин акага не-не истиҳола билан қўнғироқ қилдим. У киши ҳамишагидек бағрикенглик билан: "На илож, насиб бўлмаган экан-да, кўп хафа бўлманг", деб тасалли бердилар.

Орадан икки ой ҳам ўтмай, Ҳибзиддин ака тўсатдан вафот этди. Шундан сал илгарироқ у киши тиббиёт соҳасидаги йирик бир олимнинг хотиралар китобига тақриз ёзишни мендан илтимос қилгандилар. Ҳибзиддин ака вафоти мени қай алфозга солганини орадан бир фурсат вақт ўтиб ёзилган ўша тақризда шундай баён қилган эдим: "Раҳматли волидам вафотларидан сўнг ўтган чорак аср ичида бунчалар оғир азадор бўлмаганман".

Ҳибзиддин ака инсонмисан — инсон эди ва бу сиймони билганлар қалбида ҳамиша шундайлигича қолади.

Шариф ЮСУПОВ

"ЎзАС" ахбороти

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ташаббуси билан санъат усталарининг катта йиғини ўтказилди. Вазирлик раҳбари Тамара Давлетмуратова ўз маърузасида "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилинган 2001 йилда санъат аҳли зиммасида турган масъулиятли вазифаларни алоҳида қайд этиб ўтди.

Анжуманда бу йилги "Наврўз" ва Мустақиллик байрамларига тайёргарлик ишлари ҳам кенг муҳокама этилди. Йиғилишда сўзга чиққан Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Т.Қайипберганов, Нукус санъат билим юрти директори Н.Муҳаммединов, Бастакорлар уюшмаси бошқарувчиси К.Заретдинов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби К.Хилалов байрамларга қизғин тараддуд юзасидан фикр-мулоҳазарини билдирдилар. Тадбирда янги асарлар ва рақслар кўрик-танловини ўтказишга ҳам келишиб олинди.

М.КАРИМОВА

ОДАМИ

Ш.Бошбеков



А.Назаров

Ш.Бўтаев

Қ.Норқобил

ижод қонунларининг бирига айланиб қолгандек туюлади.

Аслида бундоқ эмас! Ва буни билмоғу англамоқ учун Адабиёт тарихига, Адабиётни яратиб келаётган зукко адиблар ижодига анчайин назар ташлаш кифоя қилади.

Мисолни узоқ манзиллардан оламан.

Рус адабиётининг XX аср титани бўлиб қолган Михаил Шолохов "Тинч Дон" эпопеясининг биринчи китобини ёзган чоғида асардаги воқеалар ҳали Давом этмоқда — Гражданлар урушининг адоғи кўринмас эди. Аммо бу уруш қизилларнинг ғалабаси билан тугаши аниқ эди... Асарни пешқадам зиёлилар фавқулодда шодиёналик билан қарши олишди ва ўша кездаги адабиёт байроқдори Максим Горькийнинг-да назарига тушиб, Шолоховни бағрига босди у...

Кейин ёш истеъдод соҳибининг бошига тушган маломат тошлари зарбидан унинг титилиб кетмаганига ҳайрон қоласан, киши!

Мана аргумент: "Михаил Шолохов, кўриб турибсиз — кураш давом этмоқда. Сизнинг қип-қизил казакингиз Григорий Мелихов эса ҳамон "оқлар" қароргоҳида юрибди. Бас энди. Иккинчи китобингизда уни болшевиклар йўлига соласиз!"

Иккинчи китоб ҳам ҳадемай майдонга келди. Қарашса, Григорий ҳамон ўша-ўша "оқлар" тарафида юрибди.

Асар босилишдан тўхтатилади. Ва муаллиф "оқларга хайрихоҳ" деб атала бошланади.

Ўша кезларда адибнинг Сорренто шифохонасида хасталиқдан даволанаётган Горкийга ёзган мактубларини ўқисанг, юрак-бағир эзилиб кетади.

Зероки юрак-бағри эзилиб битаёзган ёш адиб улкан устозидан ҳеч нарсани яширмайди. Чунончи: "Қадрли устоз, аҳвол мана шунақа... Ахир, мен нетиб Ҳаёт Ҳақиқатига қарши бора олайин? Казакларнинг тўқсон тўққиз фойизи Григорийдек бўлса... Асарнинг учинчи, ҳатто тўртинчи китобида ҳам у большевик бўлолмайди... Менга ёрдам беринг, устоз. Бармоқларим титраяпти, хаёлимда хавфли ўйлар...".

Бу ёғини ўзингиз яхши биласиз.

Ўзимизда ҳам мисоллар етарли. Абдулла Қаҳҳорнинг "Сароб"и ёзилган вақтларда ҳам асар воқеалари ҳаётда барҳам топмаган эди. Ҳе, роман қаҳрамони Саидий Шўро мафкурасини қабул қилмагани учун софдил адибимиз асар чоп этилгандан кейин ҳам ўн йиллар давомида таъна-маломатлар остида юрди...

Қисқаси шу: Бугунги Изланишлар ва Топилдиқлар давримиз Адабиётда ўз аксини кутиб турибди. Биздан талаб — ўша ўзандан чиқиб ва белни маҳкам боғлаб ишга киришиш...

Алишер МИРЗАЕВ, рассом: — Даврадошларнинг мулоҳазаларини эшитиб ўтириб, тасвирий санъатимиз олдига давр қўяётган вазифалар, бу соҳада кечаётган бугунги жараёнлар, имконият ва шарт-шароитлар ҳақида ўйладим. Ўтган ўн йил мобайнида ҳаётимизда турли-туман мавзуларга бой бўлган чинакам ўзгаришлар юз берди. Гап уларни кузатиш, теран мушоҳада қилиш ҳамда таъсирчан гавдалантира олишимизда. Албатта, Мустақиллик туфайли ижодкорларга берилган эркинлигу имкониятлар таҳсинга сазовор. Бироқ бу имкониятлардан биз қандай фойдаланаяпмиз? Шакл бобидаги изланишларимиз шаклбозликка айланиб кетмаяптими? Асарларимизда мавҳум ҳолатлар, ёлғон, миллийликдан йироқ "фалсафалар" тасвири устунлик қилмаяптими? Қолаверса, конюктуранинг гуллаб-яшнаётганига ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу миниманг оқибати? Албатта, шакл кетидан қувиб, замондан, ҳаётдан, янгиланишлару бунёдкорлик ишларидан йироқлашиб қолишлар оқибати. Юртдошларимиз қандай ташвишлар билан яшаётганини, уларнинг ўй-хаёллари, орзу-умидларини билмай, ёлғиз хаёлотга таяниб қилинган ижод, шаклда ҳар қанча устакор бўлмайлик, чинакам санъат асари даражасига кўтарилолмайди.

Санъатни планлаштириб бўлмайди, деган гап бор. Тўғри. Аммо вақти-вақти билан тематик кўргазмалар уюштириб туриб турилса фойдадан холи бўлмайди. Дейлик, "Менинг замондошим" ёки "Спортимиз юлдузлари " каби мавзулардаги кўргазмалар ташкил этилса, бу нафақат томошабинларни, шу билан бирга рассомларни ҳам бугунги кун ҳавоси билан нафас олишга, бугунги кун қаҳрамонлари сиймосини яратишга чорлаган бўларди.

Кўчқор НОРҚОБИЛ, шоир: — Назаримда, санъатда бўладими ё адабиётдами — бугун қандай қаҳрамонлар яратилаяпти, деган муаммо доимо долзарб масала бўлиб туради. Замондошларимиз ўй-фикрлари, жамиятда содир бўлаётган жараёнларга уларнинг муносабати, озод инсон, озод миллат тушунчаларини бадиий мукаммал образларда талқин этиш Истиқлол даврида ижодкорлар зиммасига масъулиятли вазифаларни юклади. Зўр асарда биз истаган қаҳрамон турли ҳаётий зиддиятларда ўзини ўнглаб, ўзини асраб қолган Инсон сифатида намоён бўлади ва бу асар асрлар давомида миллатга хизмат қилади.

Бизда бугун мавзу ортидан қувиш ҳоллари ҳам учраяпти...

Барибир адабиёт мавқеини истеъдодлар белгилайди. Бугуннинг қаҳрамонлари уларнинг чўғли қалами боис буюк тарихимиз саҳифаларида қолади. Фақат талантлар бирикиши, бир-бирига елкадош бўлиши керак бугун.

Анор НАЗАРОВ, композитор: — Биз бу ерда кўпроқ ўз соҳамизда давр қаҳрамонини яратиш билан боғлиқ масалалар ҳақида суҳбатлашаяпмиз. Кейинги ўн йилликда Юртбошимиз бошчилигида бунёдкор халқимизнинг ҳалол меҳнати билан юзага келган улкан ютуқлар ижодкорнинг илҳом манбаи эканини ҳам таъкидлашимиз керак. Мамлакатимизда бирор-бир соҳа йўқки, Истиқлол даврида ривож топмаган бўлса. Ўн йил ичида фақат санъат соҳасида амалга ошган ишларни бир кўз олдимизга келтирайлик. Фақат маданият соҳасида туб ўзгаришларни бошлаб берган қарор ва фармонларни эслайлик. "Ўзбекнаво", "Ўзбектеатр", мусиқа билим юртлари, маданий иншоотлар... Тошкентда қурилаётган янги консерваториянинг муқобили МДҲ давлатларининг бирортасида йўқ. **Булар барчаси санъатимизнинг юксак даражада ривожланиши учун ташланаётган пойдевор аслида. Бу бунёдкорлик симфониясини тинглай билиш керак, ундан завқ ола билиш керак. Ана шунда қалбимизда илҳом булоғи қайнайди, асарларимиз халқ эътирофига сазовор бўлади.**

Мен кейинги йилларда ўнлаб куй, қўшиқлар яратган бўлсам, уларнинг бош қаҳрамони — жонажон халқимиз, унинг мард, танти, ватанпарвар, меҳнаткаш, жасур фарзандлари. Бир ижодкор сифатида мен озод юртимизда давом этаётган янгиланишлар, ўсиш-ўзгаришлардан қувват оламан, шундан рағбатим ортади. Қўшиқчилик санъатига берилаётган эътибор, танловлар, мусиқа тадбирлари — булар барчаси яратувчилик меҳнати билан банд бўлган халқимизнинг руҳини кўтаришга, кайфиятини хушнуд қилишга, янги зафарларга чорлашга қаратилгани билан долзарб ва ҳаётийдир.

Шоим БЎТАЕВ, "Ўзбектелефилм" студияси бош муҳаррири: — Ҳа, янги давр ижодкор ва санъаткорлар олдига янги талабларни қўймоқда. Мустақиллик шароитида хоҳлаган мавзуда, хоҳлаган жанрда ижод қилиш ихтиёри ижодкорнинг имкониятларини кенгайтирди. Бироқ азалий ва абадий муаммо — Инсон муаммоси: бугунги кун ҳавосидан нафас олаётган, жамиятимизнинг қувонч ва ташвишлари билан яшаётган, ўз Ватанини, юртини жондан азиз кўрадиган, ўзининг буюк аждодлари билан фахрланадиган, улкан ўзгаришлардан ифтихорга, ғурурга тўлаётган Инсон қалбининг тебранишларини, ҳис-туйғуларини ифодалаш — бугуннинг қаҳрамони сиймосини яратиш санъатнинг минг-минг йиллар мобайнида босиб ўтган йўлига назар ташлашга ундайди. Суҳбатимиз давомида Шукур ака бу йўлни мухтасар қилиб ифодалаб бердилар.

Адабиётда, тасвирий санъатда, ҳайкалтарошликда, кинода, хуллас, санъатнинг барча турларида ана шу азалий муаммо турли йўсинда ҳал этилиши сир эмас.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси тизимидаги "Ўзбектелефилм" студиясида яратилаётган бадиий ва ҳужжатли филмларнинг мазмун-моҳиятига назар ташланса, замонамиз қаҳрамонлари образлари муайян даражада бўй кўрсатаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Айтайлик, "Лафз" телевизион видеофилмида тарихий бир сюжет асос қилиб олинган бўлса-да, унда кўтарилган ғоя барча замонлар учун ибратлидир.

Айни кунларда "Ўзбектелефилм" студиясида бир қатор бадиий ва ҳужжатли филмларни суратга олиш режалаштирилган. Уларда замондошларимиз образини бутун кўлами билан гавдалантиришга ҳаракат қилинаётир. Ижодкорлар ўз олдиларига қўйишган мақсад қуйидаги саволларга топилган жавобларда акс этади.

Хўш, бугуннинг қаҳрамони ким? Унинг қиёфаси, маънавий-руҳий интилишлари қанақа? Жамият тараққиётига қўшаётган улуши нималарда кўринади-ю, теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисалар унинг қалбида қандай акс-садо беради? Ўзининг қайси жиҳатлари билан бу қаҳрамон бошқаларга ибрат бўла олади, бошқаларни қайси фазилатлари билан ўз ортидан эргаштиради.

Замонамиз қаҳрамони сиймосини яратиш ана шу саволларга жавоб топишдан иборат жиддий ва масъулиятли, ижодий меҳнатни талаб этади.

Айтиш жоизки, Ибрат бўлгулик қаҳрамон, Идеал осмондан тушмайди ёки ҳаёл суриб, ўйлаб топиб бўлмайди. Туб ўзгаришлар, янгиланишлар, кечаётган қайноқ ҳаёт ичида бўлиш бундай имкониятни беради ижодкорга. Ҳаётнинг ўзи бизга ана шундай қаҳрамонни тақдим этишига шубҳа йўқ.

Алишер МИРЗАЕВ: — Бу ерда ҳозир ёзувчилар, санъаткорларнинг ижодий сафарларини уюштириш лозимлиги ҳақида жуда тўғри таклифлар ўртага ташланди. Мен шуни, ўз тажрибамдан, ҳамкасбларим фаолиятидан келиб чиқиб, очиқ айта оламанки, Рўзи Чориев, Мақсуд Тўхтаев, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов ва яна кўплаб машҳур рассомларимизнинг халқаро кўргазмаларда катта муваффақиятлар билан намойиш этилган энг яхши асарлари ижодий сафарларда яратилган эди. Ўша пайтларда ҳам дунёвий мавзулар, мавҳум тасвирлар, жаҳон тасвирий санъатидаги янги услубларга эргашишлар, четга чиқиб кетиш ҳоллари йўқ эмасди. Бироқ бизни халқимиз дарду ташвишлари, унинг истиқболи билан яшашга, асарларимизда ана шу қадриабад туйғуларни тасвирлашга даъват этишарди. Атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг биз ёш мусаввирларга қарата ўша пайтда битган бир шеъридаги ушбу сатрлар бунга далил бўла олади, деб ўйлайман:

Майли юрсангиз ҳам дарвешдай кезиб,
Бўяб чиқсангиз ҳам майли жаҳонни.
Фақат бир ўтинч бор, бергайсиз чизиб,
Онамиз сурати Ўзбекистонни.

Суҳбатимиз асносида айтилган ижодий сафарлар, "социал буюртма" ҳақидаги мулоҳазалар жуда долзарб масалалар. Бугун тасвирий санъатда замон руҳини акс эттириш, замонамиз қаҳрамонларининг сиймосини яратиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавияти бой инсонлар қилиб камол топтиришда бу ижод турининг таъсирини кучайтириш, биринчи галда, ижодий-ташкилий масалаларнинг ижобий ҳал этилишига боғлиқ. Буни мен Тематик кўргазмалар ташкил этишдан, рассомлар билан аниқ шартномалар тузиб, уларни ҳаётий мавзуларни ёритишгаа даъват этишдан бошлашни таклиф этган бўлардим. Шубҳасиз, ижодий сафарлар ҳам олдимизга қўйилаётган талабларни муносиб тарзда адо этишда асосий омил бўлади.

А.НАЗАРОВ: — Алишер аканинг тасвирий санъат соҳасида конюктура ҳақидаги мулоҳазасини ьасдиқлаб, бу ҳол бевосита бошқа санъат турларида, жумладан, қўшиқчиликда ҳам учрашини айтиш жоиз. Матбуотдаги бугунги кунда янграб турган ашулалар орасида мазмунан саёз, мусиқаси бетайинлари ҳам борлиги тўғри танқид қилинмоқда. Бироқ мен бу ўринда бир нарсага эътибор қаратишни истардим: биз санъатнинг қайси турида яратилган асарга баҳо бермайлик, фикримизни таҳлил орқали, далиллаб айтайлик. Хусусан, ҳар қандай қўшиқнинг яхши ёки ёмонлигини таҳлил қилиб бериш учун масалага профессионал ёндашув талаб этилади. Хабарингиз бор, бугун қўшиқчилик санъатимизга жуда кўплаб ёш истеъдодлар келиб қўшилаяпти. Уларнинг орасида чинакам истеъдод эгалари талайгина. Асосланмаган танқид билан уларнинг раъйини қайтариб қўйиш ҳам, аксинча, ўринли фикр-мулоҳазалар орқали тарбиялаш ҳам мумкин. Муҳими эса, бизнинг қўшиқларимиз, аввало, тингловчининг юрагига етиб борсин. Юракда турар, жасорат, сурур уйғотадиган қўшиқлар ёш авлодни улкан ўзгаришларга тайёрлайди, албатта.

Қ.НОРҚОБИЛ: — Озод Ватан одамини шарафлаган шеър, қўшиқ миллат маънавиятини белгилаб берадиган даражада таъсир кучига эга бўлиши керак, деб ўйлайман. Шу билан бирга бугун ижодкорлар олдига қўйилаётган талабларни акс эттиришда публицистика, яъни очерк, эссе, долзарб мавзудаги мақолалар етакчилик қилиши лозим. Ҳозирги кунда бугуннинг қаҳрамонини яратиш, айни кунлар нафасини беришда мазкур жанрларнинг имконияти катта. Кишилар қалбида ҳозиржавоб сўзчалик ўзлик туйғуларини аланга олдирадиган куч йўқ. Қўлни қўлга бериб истиқлолимиз мустаҳкамлиги йўлида собит турган, ўзини шу озод Ватаннинг фарзандиман, деб билган ҳар бир юртдошимиз, хоҳ ишчи бўлсин, хоҳ деҳқон, хоҳ зиёли бўлсин, Истиқлол учун нима қилдим, жамиятда менинг ўрним қаерда, бурчим нимада, деган саволни ўзига бериб кўриши керак. Бу саволни ҳар юракда уйғониши учун эса биз матбуотнинг тенгсиз имкониятларидан фойдаланайлик.

Очиғи, бугунги матбуотимизда саноқли журналистларни ҳисобга олмаганда, одамлар юрагига етиб бораётган мақолалар, ёзаётган қаламкашлар кам. Яқинда бир акамиз очерклардан иборат китобни олиб келди. "Мана, биз ёзаяпмиз!" деган маънода. Китобни ўқиб тугатмасимдан, телефон қилди: "Қандай, давримиз қаҳрамонларини яхши ёзибманми?". Кейин яна сўради. Очиғи, китоб қуруқ сўзбозликдан иборат, вақти келди ёзиб қол, деган кайфиятда ёзилган экан. Унга раҳмим келди. Уялдим. Очерк дегани қуруқ сафсата эмас. Номим қаторга қўшилсин, деган ўй билан қаламни кўпкари қилишнинг бировга нафи тегармикан?!

Бугуннинг қаҳрамонлари миллий ғурурдан кўзи чақнаган, юрагида ўти сўнмаган, ўзини халқман, озод Инсонман, деган ватанпарвар истеъдодлар томонидан яратилади. Шуни унутмасак бўлгани.

ТАҲРИРИЯТДАН: "Давра суҳбати"да фикр юритилган мавзулар бевосита бугунги ҳаёт ва ижодий жараён билан боғлиқ. Адабиёт ва санъатда бугуннинг қаҳрамони сиймосини яратиш муаммоси, ижодкор ва санъаткорнинг халқ билан ҳамнафаслиги, ҳозиржавоблиги, ибратли фазилатлар ва улкан янгиланишу ўзгаришлар тасвири сингари долзарб масалаларни бир суҳбат доирасида тўла-тўкис муҳокама қилиб олишнинг имкони йўқ, албатта. Сиз ана шу масалалар бўйича адабиётшунос олим, ёзувчи, шоир ва санъаткорлардан бир гуруҳининг фикр-мулоҳазалари билан танишдингиз. Уларнинг суҳбати Сизда қандай таассурот қолдирди, қайси фикрлар эътироз уйғотди, қайсиларини маъқул деб топдингиз? Биз суҳбатда кўтарилган муаммолар бўйича ижодкор ва мутахассислардан, синчков газетхонлардан фикр-мулоҳазаларини кутамиз.

Давра суҳбатидан шу нарса ҳам аён кўриндики, айни пайтда ижодкор ва санъаткорларимизда мамлакатимизнинг қизғин меҳнат кечаётган улкан корхоналари, қурилишларига ижодий сафарларга бориб, замонимиз қаҳрамонлари фаолияти,ибратли ишлари билан танишиб, уларнинг сиймосини яратиб, тарғиб-ташвиқ этишга иштиёқ кучли. Айни шу фаолликни эътиборга олиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси яқинда мамлакатимизнинг йирик қурилишлари ва бунёдкорлик иншоотларига адибларнинг ижодий сафарларини уюштиришни режалаштирди. Биз истеъдодли, фаол ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, драматурглар, публицист ва киносценарий усталарини ана шу ижодий сафарларга таклиф этамиз.

Суҳбатни Мурод АБДУЛЛАЕВ ва Аҳмад ОТАБОЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталиги таҳририяти Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломовга умр йўлдоши

Раъногон ИНОЯТОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий - ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Гуландом ҒУЛОМОВА

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ҚЎЛ ЕТМАС ЮЛДУЗ

Бобур ва Жом жанги

Исмоил БЕКЖОН,
филология фанлари номзоди

(Боши 1-бетда.)

Сафар ойининг 21 куни (1528 йилнинг 5 ноябри) келган хатлар эса Бобурда Хуросонгагина қайтиш эмас, ҳатто унинг учун қўл етмас юлдузга айланиб қолаётган – Мовароуннаҳрга ҳам қайтиб бора олиш умидини учқунлантиради. Хабарлар Қалъаи Зафардаги Комрон ва Кобулдаги Хожа Ховонд Дўстдан эди. Улар бу хатларни Кобулда Хумоюн билан маслаҳатлашгач, зулҳижжанинг 28 куни (15 сентябр) Ҳиндистонга жўнатгандилар. “Арзадошт”ларда айтилишича, Шоҳ Таҳмосп “Хуросонни озод этиш” мақсадида юриш қилиб, шайбонийлар тасарруфида бўлган Домғон вилоятини қўлга киритади. Ҳиротни қамалда тутиб турган Убайдулло султон бу ерда қолишни хавфли билиб, Марв томон йўналади ва Мовароуннаҳрдаги султонларни қизилбошларга қарши катта урушга чақиради. Бобур бу хабарларни китобда “яхши хабарлар” деб атайди, аммо нима учун мазкур фикрга келгани сабабини изоҳлаб ўтмайди.

Комроннинг Қалъаи Зафардек истеҳкомни, душманлар қўлида турган Балхга яқин жойда бўлишига қарамай, ташлаб, Кобулга Хумоюн ҳузуридаги Хожа Дўст Ховонддан маслаҳат олиш учун келиши эса бобурзодаларнинг ҳам бу воқеага қизиқиш-эътибор, аниқроғи, сиёсий муносабатлари борлиги ҳақида фикр юритишга ундайди. Гарчи хатларда айнан шулар ҳақида сўз юритилаётган эса-да, “Бобурнома”да булар қайд этилмайди, муаллиф аввал кундалик, сўнг китобга кўчирган мазкур воқеа тўғрисида батафсил ҳикоя қилмайди ва буни биринчи қарашда адибнинг ёзиш услуби деб хулоса чиқариш мумкин. Бироқ Хумоюн ва Комроннинг Бобур ҳикояси орқали билиниб турган безовталиги, дарҳол отасига хат жўнатишларидан сезса бўладики, бобурийларнинг агар бу урушда шайбонийлар енгса, ишлари осон бўлмаслиги, агар сафавийлар ғалаба қозонса, унда фурсатдан фойдаланиб, Хуросондаги баъзи ерларни қўлдан чиқариб бўлса-да, Мовароуннаҳрдек меросий ўлкани қайтариб олиш учун отаниш зарур, деган қарорга келганлари аниқ. Бу фикрларимиз Хумоюннинг Шоҳ Таҳмосп ва шайбонийларнинг Жомда сентябр ойида бўлган тўқнашуви хусусида кетма-кет отасига хат ёзиб, унда Бобурга Мовароуннаҳр сари отланажаги, бунинг учун эса ҳинд қўшинидан аскар юборишини илтимос қилган пайтларида янада ўз исботини топади.

Иккинчи хабарни раби ул-аввалнинг 10-куни (1528 йилнинг 24 ноябри) Хумоюннинг Баёншайх исмли навкари келтиради. У Хумоюн ҳузуридан сафар ойининг 9-куни (23 октябр) йўлга чиққан эди. Бу хабарда Шоҳ Таҳмоспнинг Хуросонга келиб, Жом ноҳиясида шайбонийларни тор-мор этгани айтилган эди ва унинг баёни “Бобурнома”да батафсил ҳикоя қилинган. Сафавийлар ва шайбонийларнинг Жомдаги тўқнашуви кетма-кет ёзилиб, аммо Бобурга бир пайтда жўнатилган бир неча хатларда бу воқеа турлича баён этилган эди. Лекин Бобур учун энг муҳими, уларнинг барчасидаги шайбонийларнинг Убайдуллохон, Кўчкинчихон, Абу Саъидхон, Бароқхон, Фўлод султон, Жонибек султон, Ҳамза султон, Кистан Қаро султон ва уларнинг ўғиллари бош бўлган 105 минг кишилик қўшини буткул мағлубиятга учраб, деярли барча султонларнинг шу урушда ҳалок бўлгани тўғрисидаги хабарлар эди. Бу ғапларга ишонилса, Бухорою Самарқанд, Тошкенту Ҳисори Шодмон ҳамда Балх батамом эгасиз қолган. Бундай қулай фурсатнинг бу даража осонликча, кутилмаганда юзага келиши эса ўй-андишали, ҳар бир ишни ўйлаб, батаҳқиқ амалга оширадиган Бобурни ҳам шошириб қўяди. Ватан соғинчи-ю, Хумоюннинг муболағали хатлари ишини қилиб бўлган эди — Бобур меросий ерларни ҳаёлида деярли олинган ҳисоблаб, тезда хат битиб, ўғилларига ўз фикрларини билдиришга тушади. У Хумоюнга “эшик оғзига ўз оёғи билан келган бахтни қочирмаслик”ни уқтиради ва Самарқанд, Ҳисор ёки қайси томондан хоҳласалар ўша ёқдан Мовароуннаҳрни эгаллашни буюради. Комрон ва Кобулдаги бекларга Хумоюн бошчилигидаги қўшин таркибида бўлишга фармон юборади.

Ҳисор қўрғонининг эса ҳозироқ Бобур тарафдорлари қўлига ўтгани, Балхга ҳам Бобур одамлари киргани ҳақида 11 раби ул-аввалда (1528 йилнинг 25 ноябри) хабар келганини хатда ёзиб, у ерларни ўзиники ҳисоблаб “тенгри иноятн била Балх ва Ҳисор қўлга кирса Хумоюн кишиси Ҳисорда, Комронники Балхда, агар Самарқанд ҳам мусаххар бўлса (эгалланса)” у ерда Хумоюн ўтиришини, Ҳисорни эса холиса (давлат мулки) қилишни, Комрон Балхни оз кўрса, камчилигини Мовароуннаҳрда тўлдиришини айтади. Хат охирига бориб, Мовароуннаҳр сари бўлажак юриш ташвишлари кўзига янада осонроқ кўринади ва у ҳолда Комроннинг Ҳиндистонга қайтиб келса ҳам бўлаверишини хаёлидан кечириб, буни ҳам хатга туширади. Кобулни ҳам холиса қилажагини, унга ҳеч бир фарзанди кўз тикмаслигини уқтиради. Қўшиннинг эса саралангандарлан бўлишини маслаҳат беради. Хат раби ул-аввалнинг ўн учи (1528 йил 27 ноябр) куни битилиб, Баёншайх эртасигаёқ хат ва фармонларни олиб, 29 ноябр куни Оградан Кобул сари йўлга тушади. У Бобурнинг Комронга ва Хожа Калонбекка ҳам шу мазмунда ёзган хатларини олиб кетаётган эди.

Бобур энди Ҳиндистон ишларини тезлаштиришга киришади. 1528 йилнинг 3 декабрида мирзолар, султонлар, турк ва ҳинд амирларини машваратга чорлаб, Ҳинднинг бўйин товлаган ёки ҳали забт этилмаган ўлкалари томон қўшин тортишга қарор қилинади. Шу кунларда аввал бошланган қурилишларни тугатишни, Оградан Кобулгача масофани ўлчаб, почта хизматига зарур бекатларни белгилаш, жиҳозлаш ва таъминоти масаласини ўз йўриғига кўра тартиб беришни тезлатиб юборади.

Кўпинча китобхонада бўлиб, Хожа Аҳрорнинг “Волидия” рисоласини туркийда назм (1528 йил 11-12 ноябр) қилади, “Ҳиндистон девони”га тартиб беради (1528 йил 28 декабр) ва ўша йилнинг май ойида бошлаб қўйган “Вақоеъ” (“Бобурнома”)ни ниҳоясига (1528 йилнинг декабри) етказади.

Шу ўринда мавзуимизга тааллуқли яна бир фактни эслатиб ўтишга тўғри келади. Ҳозирча нашр этилган “Бобурнома” матнида шайбоний хон ва султонлари элчиларининг Ограга Бобур ҳузурига боришлари ҳамда подшоҳ саройида қабулда бўлишлари воқеаси хабар қилинмагани ҳолда тўғридан-тўғри бу элчиларнинг 1528 йил 19 декабр куни (Хумоюннинг фарзанд кўриши муносабати билан) бўлган тўйда қатнашганлиги ва кейинроқ ўз юртларига қайтишлари хусусидаги гаплар батафсил келтирилади. Бироқ рассом Рам Даснинг “Бобурнома”га чизган миниатюраларида ўзбек элчиларининг Огра яқинидаги “Ҳашт беҳишт” боғи шийпонида Бобур ҳузурида қабул қилиниши маросимига оид лавҳа тасвирланган бўлиб, расмга изоҳ тарзида “Бобурнома”дан ушбу сўзлар иқтибос қилинган: “Улар қизил, оқ ва қора чойшабларга ўралган ниҳоллар олиб келишди. Мен қизил чойшабга ўралган олхўри кўчатини ўтқазишни буюрдим” (М.Рандҳава. Асрлар ошган боғлар. Ансориддин Иброҳимовнинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида босилган таржимасидан олинди). Начора, бу сатрлар “Бобурнома”нинг ўзбекча нашрларида учрамайди. Хуллас, булар ва Бобурнинг “тўйда ўзбек элчилари ҳам бор эдилар” дейишидан билса бўладики, 1528 йил ноябр охири — декабр бошида бош хон ҳамда пойтахт Самарқанд мулкининг эгаси ҳисобланмиш Кўчкинчихон, тошкентлик шайбоний хонлари ва яна Шайбонийхоннинг келини (Темур султоннинг хотини) Меҳрибонхоним, унинг ўғли Фўлод султон, Абусаид бин Кўчкинчихоннинг элчи, навкарлари ва улар хизматига яқин олим, фозиллар Бобур ҳузурига расмий элчилик вазифаси билан борганлар. Аммо улар Жом жангидан мутлақо бехабар бўлганлар ва Бобур улар билан бу тўғрида гаплашмаган. Буни шундан билса бўладики, 1528 йилнинг 19 декабрида ўтказилган мазкур тўйдан ўн кун сўнг, яъни ўша йилнинг 29 декабрида Бобур ҳузурига Жом урушида қатнашган бир киши келиб, жанг тафсилотларини сўзлаб, шайбонийларнинг енгилгани хабарини етказади, Бобур эса бу хабарларни ҳам китобда қайд этади. Уруш қатнашчиси ҳикоясида Кўчкинчихон, Убайдулло султон, Абусаид султон бошлиқ тўқкиз султон қўлга тушиб, улардан Абусаиддан бошқа 8 нафарининг ўлдирилгани, ҳатто Убайдуллохоннинг боши топилмай, фақат гавдаси топилгани, кўплаб шайбонийлар аскарлари ҳалок бўлгани айтилади. 1529 йилнинг 17 январида Кобулдан келган хатда эса Хумоюннинг катта қўшин билан Самарқанд устига юргани, Ҳисорни Хумоюннинг кишиси аллақачон эгаллагани, Қабодиён ҳам олингани (бу иккала вилоят ҳозирги Тожикистон Республикасидаги ерлардир) ва у ерга Хумоюннинг ўзи ҳам ёрдамга кетаётгани ёзилган эди. Бобур китобда ишонч билан таъкидлаган бу қайдларини ҳам бизга шу ҳолича ёдгор қолдирган. Орадан кўп ўтмай, аниқроғи, 1529 йил 7 февралида Кобулдан яна хат келади. Бобур китобда хатлардан Кобулдаги аҳвол маълум бўлганини айтади, лекин улар нимадан иборатлигини ёзмайди. Бобурнинг жавоб хатларида ҳам энди Жом жанги-ю, Самарқандга юриш кабилар очиқ матн орқали тилга олинмай, балки бунга ишоралар қилинадики, келган хатларда нималар битилгани, Бобур ўз жавобларини нега дарғазаб, койиш оҳанглари билан йўғириб ёзганини англаш қийин бўлмай қолади. Бобур Хумоюнга атаб 9 феврал куни ёзган хатида агар ҳозиргача тайинли бир иш бўлмаган эса, ҳеч бўлмаса “ўғри била қароқни манъ қил”, “ораға тушган сулҳ иши”ни бузма дея ўғлига киноя аралаш, таъна ва шикоят тошларини отади. (“Тайинли иш” – Мовароуннаҳрга юриш масаласи, “қароқни манъ қилиш” ва “сулҳ иши” – бобурийлар ва Балхдаги шайбонийлар ҳукумати орасидаги дипломатик муносабатларга доир бўлиб, Бобурнинг бу хабарларни кимдан билиб олгани борасидаги фикрларни қуйироқда келтирамиз.) Комронга Шаҳзода (Бобур бу ўринда ва яна бошқа маълумотларида Шоҳ Таҳмоспни илгариги одатига кўра, “Шаҳзода” ҳам деб атайди) билан яхши муомалада бўлишни уқтиради. Хожа Калонга ёзилган хатда ҳам бояги уруш ҳақидаги фикрлар эсга олинмасдан фақат Кобул холиса қилиниши ва уни ободонлаштириш хусусидаги тадбирлар ипидан-игнасигача қайта-қайта эслатилган ҳолда китобга киритилган.

Бобурни умидлантирган Жом жанги воқеаси қандай рўй берган ва у қайси жиҳатлари билан бобурийлар учун аҳамиятли эди?

Сафавийлар ва шайбонийлар ўртасида кечган бу ҳарбий тўқнашув тўғрисида эроннлик муаррих Ҳасанбек Румлунинг “Аҳсан ат-таворих”, Ризоқулихон Ҳидоятнинг “Равзат ус-сафойи Носирий”, ўзбек тарихчиси Муҳаммадёр ибн Араб Қатағоннинг “Мусахир ил-билод”, шу уруш қатнашчиси Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” ва бошқа кўплаб тарихий манбаларда маълумот берилади.

Урушнинг қисқача тафсилоти қуйидагича: шайбоний хонлари Хуросоннигина эмас, балки бутун Эронни ҳам қўлга киритиш ва сафавийлар салтанатига бутунлай барҳам бериш мақсадида 1528 йил июлида, мақола бошида айтганимиз Шоҳ Таҳмосп ҳамласи сабабли, Ҳиротдан Марвга чекингани Убайдуллохонга ёрдамга отланадилар ва бу юришни улар шиаларга қарши ғазот уруши деб эълон қиладилар. Шунинг учун қўшиндаги лашкарга савобталаб дарвешлару руҳонийлар, олимлару санъат аҳллари, косиб-ҳунармандлару деҳқонлар ҳам қўшилиб, сарбозу оломон — жамиъ 105 минг киши Амударёдан кечиб, Жом вилоятининг Харгерд ноҳиясига қарашли Зуробод мавзеида 1528 йилнинг 27 сентябрида Шоҳ Таҳмоспнинг 24 минг кишилик қўшини билан тўқнаш келадилар. Шиддатли жанглар атиги шу куннинг пешинигача давом этиб, сафавийлар енгилиб, Шоҳ Таҳмосп оз сонли аскарлари билан жанг майдонини ташлаб қочишга мажбур бўлади. Бироқ ўша пайт кутилмаган воқеа содир бўлади: душман мағлубияти маълум бўлгани ҳамоно ғалаба нашидасини барвақтроқ суришга тушган шайбонийлар қўшини ўлжа излаш учун бирпасда яқин-атрофга тарқаб кетадилар. (Жангда Кўчкинчихон, Жонибек султон, Убайдулло султон, Бароқхон, Абдулазиз султон, Фўлод султон, Келди Муҳаммад султон, Абу Саъид султон ва шайбонийлар давлатининг бошқа устунлари қўмондонлик қилган эдилар. Бобурнинг қувонганича бор эди, агар бу барча султонлар чиндан ҳам нобуд бўлса, унда Мовароуннаҳр, Туркистонда қаршилик кўрсатишга ярайдиган ҳеч бир шайбоний хон ё султони қолмас, Хумоюн осонликча маврусий юртларни қўлга киритиши мумкин эди.) Жанг майдонида бир неча султон ва амирлар ҳамда шайбонийларнинг энг шижоатлиси Убайдулло султон қолади. Шунда майдон четида чанг-тўзон пайдо бўлиб, унинг ичидан бир гуруҳ отлиқлар қолган шайбонийлар томон кела бошлайдилар. Шайбоний султонлари буларни ўлжа учун тарқалиб кетган ўз одамлари деб ўйлайдилар. Аммо кутилмаганда чанг ичидан Шоҳ Таҳмосп ва қизилбош лашкарбошилари чиқиб келади, ғафлатда қолган шайбонийлар устига ташланадилар. Фурсатни бой берган Убайдуллохон ва ёнидагилар ўз жонларини омон сақлаб қолиш учун ҳар томонга тум-тарақай қочиб кетадилар. Ўлжа учун ёйилиб кетган жангчиларга шайбоний хонлари “ҳалокатга учрагани, Шоҳ Таҳмоспга эса катта қўшин ёрдамга келгани” ҳақидаги ёлғон хабар етиб боради. Устига-устак шом ҳам қорайган бўлиб, тарқоқ ҳолда юрган сарбозу савобталаблар ваҳимага тушадилар, бир ерга йиғилиш ўрнига ўзларини дуч келган томонга уриб, зах ратарак қоча бошлайдилар. Шу зайл 1-2 соат ичида 105 минг кишилик қўшин тақдири ҳал бўлади: минглаб кишилар тўсатдан орқадан етиб келган душманлар қиличи зарбидан ва яна қанчалари дарёга, кўплар эса дараю тоғу даштларда адашиб ҳалок бўладилар. Аммо шайбоний хону султонлардан деярли ҳеч бири бу жангда нобуд бўлмайди. Улар Амударёдан соғ-омон кечиб ўтиб, Бухоро, Самарқанд, Тошкентга етиб келадилар ва улардан анчаси яна кўп йил умр кўради.

Албатта, ўша пайтда бу хабарнинг Ҳиндистонга аниқ ва тез фурсатларда етиб бориши қийин эди. Бобур ҳам хабарларни қандай шаклда қўлга киритса, шундай қабул қилишга мажбур эди. (У хабарларни ўз эшитганича кундалигида қайд этади ва сўнг, яъни ҳақиқат аён бўлгач ҳам бу қайдларни шу ҳолича “Бобурнома”га кўчиради.)

Аммо воқеалар таҳлили асносида бизни қизиқтирган масалалар бошқа бўлиб, улар қуйидаги саволларда ифодаланган:

Жом жанги рўй бермасдан, аниқроғи, Шоҳ Таҳмоспнинг Хуросондаги шайбоний Убайдуллохон устига юриши олдидан бу ҳақда Хумоюн ва Комронга йўллаган мактуби, бу фарзандларнинг эса Бобурга битган хати мазмуни нима учун “Бобурнома”да сал эса-да, аниқроқ шаклда акс эттирилмай, фақат “яхши хабарлар” тарзида мазмуни хуфия тилга олиб ўтилган ?

Бобур Жом жангида рўй берган ҳодисанинг аниқ хабарини қачон, қандай қўлга киритди ва Кобулдан 1528 йилнинг 7 февралида етиб келган мактубда нималар ёзилган эди? (Бу саволлар асарнинг ҳозир қўлимизда мавжуд нашри маълумотлари асосида юзага келди, лекин келажакда “Бобурнома”нинг бошқа тўлиқ қўлёзма нусхалари топилиб, уларда мазкур масалалар батафсил баён этилган бўлса нур устига нур бўларди.)

Юқоридаги саволларга жавоб топиш эса бизга яна бошқа илмий фаразларни ҳам ойдинлаштиришга хизмат қилади ва шу сабабли яна асар маълумотлари таҳлилига киришамиз.

Эслатганимиздек, 1528 йилнинг сентябри бошида ака-укалар Кобулда маслаҳатлашиб, 15 сентябрда Бобурга ёзган хат ўша йил 5 ноябрда Ҳиндистонга етиб боради. Бобурнинг бу хат мазмунини хуфия тилга олгани ва уни китобга киритмагани ҳамда воқеаларнинг кейинги ривожидан ушбу ўринда қуйидагича хулосага келиш мумкин: бу мактуб сафавийларнинг шайбонийларга қарши урушга тайёргарлик кўраётган пайтида Бобурга махсус юборилган сиёсий хат бўлиб, унда Шоҳ Таҳмоспнинг Кобул ҳукуматини бу юришда иттифоқчиликка чорлагани баён этилган. Ака-укалар ўзлари бу юришда қатнашишга рози эсалар-да, Бобур изнисиз бирор ишга қўл ура олмасдилар. Шоҳ Таҳмоспнинг нияти эса Хуросонга ҳадеб ҳужум қилавериб, сафавийлар давлатини ҳолдан тойдираёзган шайбонийлар ҳукумати ишини бирёқлик этиш бўлиб, бунинг учун у Мовароуннаҳргача юриш қилиши лозим, аммо сиёсий-диний мулоҳазаларга кўра бунда у фақат темурий, яъни Бобур ва ўғиллари иттифоқига суяниши мумкин эди.

Бобур бу давлат сири аҳамиятига молик дипломатик мактуб мазмунини, табиийки, кундаликларида ҳам, ёзаётган китобида ҳам ёритишга ҳаққи йўқ эди. Шунинг учун содир бўлган ва рўй бераётган воқеаларни тарих саҳифаларига рақам қилишга киришган Бобур, барибир, хат ҳақида ҳам тўхталади, аммо “арзадоштлар” орқали “яхши хабарлар” олганинигина қайд этади, холос. Бобур бу хатларга битган ўз жавоби хусусида ёзса-да, унинг мазмуни ҳақида китобда лом-мим демайди, аниқроғи, давлат сирини ошкор қилмайди.

Бобурнинг Мовароуннаҳрни қайта қўлга киритишга бўлган чин иштиёқи фақат Жом жанги хабаридан кейингина аёнлаша бошлайди — хотираларида Мовароуннаҳрга юриш масаласини изҳор этишга очиқ-ойдин киришади ва қарорининг қатъийлигини маълумотлар ҳаволаси асосида яшириб ўтирмайди.

Демак, айтиш мумкинки, 1512 йилнинг декабрида Ғиждувонда шайбонийлардан енгилиб, сафавийлар билан иттифоқчиликнинг аччиқ сабоғини татиган Бобур Шоҳ Таҳмосп таклифига дастлаб аниқ жавоб бермаган. (Балки, бунга яна бошқа сабаб ва Бобурнинг давлат сиёсати миқёсидаги режалари монеълик қилгандир.)

Кейинчалик, кутилмаганда, Жом жанги ҳодисалари рўй бериб, барча шайбоний хону султонлар ҳалокати ҳақида хабар келгач, Мовароуннаҳрни сафавий иттифоқчилар билан эмас, ўз ўғиллари ва амиру беклари билан қонуний равишда қўлга киритиш имкони туғилгандагина бу режани қўллаб-қувватлашга киришган.

Энди эса иккинчи масала: Бобур Жом жанги воқеасидан қачон аниқ хабар топди ва сўнг нега ўғилларига жаҳл билан хат ёзди?

1528 йилнинг 27 сентябрида Жомда рўй берган жанг натижаларидан бири — шайбонийларнинг мағлубияти Хумоюнга 5 октябрдаёқ маълум бўлган ва у отасига бу тўғрида дарҳол хабар жўнатган. Иккинчиси – шайбоний хон ва султонларининг ўлик-тириги хабари эса ҳақиқатан ҳам бу пайтда номаълум бўлиб, Хумоюн уларни дастлабки хабарлар асосида эшитганича Бобурга етказганига ҳам шубҳа йўқ. Ҳатто 23 октябрда юборган хатида ҳам бу воқеа ҳали тўла аниқланмаган бўлиши мумкин. Аммо 17 декабрда отасига жўнатган хабарида (бу хат Бобур қўлига 1529 йилнинг 17 январида тегади) ҳам худди шундай маълумотнинг қайта такрорлангани кишида шубҳа туғдирмай қўймайди.

Шундай ёнгинасидаги Балх ҳокими Кистан Қаро (бу шайбоний султон ҳам Жом жангида қатнашган) соғ-омон тахт тепасида ўтириб, 1528 йилнинг декабри охирида Хумоюн билан чегара масалаларидаги айрим келишмовчиликларни ҳал этиш учун унга элчи юборган бўлса, қолаверса, шу 2-3 ой мобайнида Мовароуннаҳрдан Кобулга келиб-кетувчилар сони ҳам кам бўлмаган эса, қандай қилиб Хумоюн шу орада шайбонийзодаларнинг ўз юртларида эсон-омон юрт сўраётганидан хабар топмас экан?

Албатта, Хумоюн ҳам буларнинг барчасидан хабардор бўлган. Хўш, унда нима сабабдан Хумоюн учун отасига ёлғон хабарлар юбориб туриш зарур бўлди?

Гап бу ерда теранроқ мулоҳаза юритиш ва хулоса чиқаришга ундовчи кенг қамровли сабабларга бориб тақалади:

Кечагина, Хуросонни эгаллаб турган шайбонийларни у ердан ҳайдаб чиқариш ҳамда бобурийлар ҳамкорлигида уларни Мовароуннаҳр сарзаминида ҳам мағлубиятга учратиш иштиёқи билан катта юришга тайёргарлик кўриб турган Шоҳ Таҳмосп бугун Жом жангидан бир тасодиф ила жонини зўрға омон сақлаб қолади.

Аввалига бу тўқнашувда шайбоний хон ва султонларининг ўлик ё тирик қолгани ҳақида қўлга киритган пала-партиш, шубҳали маълумотлари унинг асосий юпанчи бўлади ва Хумоюнни Мовароуннаҳрга юриш масаласига қизиқтириб кўяди. Сўнгра, яъни воқеа ҳақиқатидан хабар топгач ҳам шайбонийларнинг Хуросон, Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлигига барҳам беришга жазм қилиб, иш қизиғида шайбонийлар қаламрави (ҳудуди)даги ўлкаларга қўшин тортиш режасидан қайтмайди ва бунда яна бобурийларни жалб этишга киришади. Аммо Шоҳ Таҳмосп, Бобурнинг бир неча ой бурун рўйхушлик бермаганидек, ҳозир ҳам бу даъватга розилик бермаслигини аниқ биларди. Шунинг учун ҳам у, балки бошданоқ “шайбоний хон ва султонлари Жом жангида ҳалокатга учради” деган хабарлар тарқатишни махсус режалаштириб, бу уйдирма Хумоюнга ошкор бўлгач ҳам уни ва ёнидаги амирларни Мовароуннаҳрни қўлга киритиш масаласига қизиқтириб, Бобурга ёлғон хабарлар юбортириш усулидан фойдаланган.

Хумоюн отасидан сафавийлар билан Мовароуннаҳрга бўлажак юришга розилик ва аскарий ёрдам олиш мақсадида Бобурга ҳар кун бир янги ёлғон билан хатлар жўнатиб туришда давом этган. Юқорида эслатганимиз, 1528 йил 29 декабрда Бобур ҳузурига Жом жангида қатнашган бир кишининг келиб, уруш тафсилотларини баён қилиши ва шайбоний хонларининг барчаси ҳалок бўлганини сўзлаб бериши ҳам Хумоюн ҳийлаларидан бири бўлиб чиқади.

Бошқа бир манба орқали Бобурга “Балх ҳам Хумоюн одамлари” қўлига ўтгани ҳақидаги ёлғон хабарни етказиш ҳам Хумоюннинг иши бўлган. Хумоюн бу билан вақтдан ютиш ва отаси розилигини олиш мақсадида унга ёлғон хатлар орқали таъсир ўтказишга уринган. Хумоюннинг Ҳисор ва Қабодиённинг улар томонидан эгалланиши хабари ҳам уйдирмадан бошқа нарса бўлмаган. (Шу сабабли ҳам Балх тарихини тадқиқ этган академик Бўривой Аҳмедов “Бобурнома”даги бу маълумот таҳлилида қийинчиликка дуч келиб, бошқа манбаларда буни тасдиқловчи маълумот йўқлиги сабабли “Хумоюн Ҳисор ва Қабодиённи олишга тайёргарлик кўрган бўлиши мумкин, бироқ, афтидан, у бу шаҳарларни қўлга кирита олмаган”, дея тахминий хулоса чиқаришга мажбур бўлади.)

Жом жангининг ҳақиқий натижалари Бобурга Кобулдан 1529 йилнинг 7 февралида келган мактубдан олдинроқ маълум бўлган эди. 1529 йил январи ўрталарида Балх ҳокими шайбоний Кистан Қаро султоннинг Камолиддин Қўноқ исмли элчиси Бобур ҳузурига бориб, чегара масалалари бўйича музокара юритади. (Бобур Балх ҳокимига унинг элчилари орқали ва Хумоюнга эса бу масала ҳақидаги фикрларини 1529 йил 7 февралдаги хатга жавоб тариқасида баён килади.)

Ўша пайтдаёқ Бобур Жом жанги хабарини балхлик элчилардан билиб олади ва ўтган йил ноябрида Ҳиндга келган самарқандлиқ тошкентлик шайбоний хон-султонларнинг элчиларига қўшиб, Мовароуннаҳрга ўз элчиси Чопуқни юборади.

Мазкур элчилар қатори Шоҳ Таҳмоспнинг элчиси Ҳасан Чалабий ҳам 5 феврал куни Эронга қайтиб кетади. Ҳасан Чалабийнинг Бобур мулозаматида бўлиши “Бобурнома”да атиги бир бор, 1529 йил 27 январ кунги воқеалар зикрида қайд этилади. Унинг укасининг эса 1528 йил 19 декабр куни тўйда қатнашганлигини Бобур ёзиб ўтган. Афтидан, Ҳасан Чалабий ҳам ўша кезлари Ҳиндистонда бўлган. Чунки Шоҳ Таҳмоспнинг ундан хавотир олиб, кетидан Шоҳқули деган чопарни юборгани ва Бобурнинг шоҳга хат битиб, Ҳасан Чалабийнинг кеч қолгани узрини ёзиб юборгани шундан далолат бериб турибди. Демак, Ҳасан Чалабий ҳам уруш воқеаларидан бехабар бўлган ва шунинг учун ҳам Ҳинддан қайтаётиб йўлда, Эрондан келган Шоҳқулини учратгач, уни Бобур ҳузурига, уруш кайфиятларини арз қилиш учун юборади. (Шоҳқули ҳам Бобур ҳузурига 7—9 феврал кунлари оралиғида келади ва 1529 йилнинг 11 февралида Бобурнинг мактубини Шоҳ Таҳмоспга олиб кетади. Бизнингча, Шоҳ Таҳмосп ўз элчилари орқали “уруш кайфиятларини арз қилиш”ни ҳам Бобурни юпатиш учун махсус уюштирган ва гўё ўзини ҳам шайбоний хонларининг Жом жангидан кейинги тақдиридан бехабардек кўрсатмоқчи бўлган ёки хуфиёна ишларининг бирор қисмини Бобур кўнглида гина-кудурат қолдирмаслик, уни жаҳлдан тушириш мақсадида элчи ва хат орқали очиқ айтган.)

Аммо "Бобурнома" орқали биламизки, ниҳоят, Жом жанги ҳақиқатлари Хумоюн тилидан тан олиб ёзилган хат 1529 йилнинг 7 февралида Бобур қўлига тегади (“Бобурнома”да хатларнинг фақат Кобулданлиги айтилган эса-да, улардан бири Хумоюндан эканлиги аниқдир) ва аллақачон Хумоюннинг пинҳоний режаларидан хабар топган Бобур ўғлига таънаю киноя оҳанглари ила битилган жавоб мактубини жўнатади.

Шундан кейин, боя эслатганимиздек, “Бобурнома”да Жом жанги ёки Мовароуннаҳр масаласи сира тилга олинмайди. Юқорида айтганимиз Хожа Калонбекка ёзган хатини тугатиб эса Бобурнинг ўпкаси тўлади. Хат Бобурнинг Кобулни ўта соғинганги ҳақидаги сўзлар билан тўлиб-тошган, Кобулдан келтирилган қовун баҳонасида йиғлашга сал қолганини ҳам яширмаган фикрлар Кобулга албатта қайтиш истагидаги ўй-туйғулар билан йўғрилган эди. Ўтган йил ноябрида шайбоний хону султонлари мағлубиятини эшитгандан бериги руҳ бу галги “қайтиш масаласи” баёни асносида сезилмасди. Энди у “тез кунларда Кобулга қайтамиз” дейиш билан бирга ўша хатда Ҳиндистонга опаси, оиласи ва Ҳиндолни чақиртираётган ҳам эди. Бобур Кобулга қайтишни оғизда айтаётган бўлса-да, амалда бу режани орқага сураётгани англашилиб туради. Ҳақиқатан ҳам Бобур шундан сўнг “Ҳиндистон ишлари”га жаҳду жадал билан қаттиқ киришиб кетади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Бобурнома”нинг 1528 йил октябри — 1529 йил январи орасидаги даврга доир айрим маълумотлари таҳлилидан шу аён бўладики, Шоҳ Таҳмосп шайбонийлар каби ғаним давлатнинг доимий хавф-хатаридан бутунлай қутулиш учун 1528 йил ўрталарида улар устига юришни режалаштирган ва бу ниятни узил-кесил амалга ошириш фақат Бобур иттифоқчилиги орқалигина мумкин деган хулосага келиб, уни ушбу юришда бирга бўлишга ёки сиёсий қўллаб-қувватлашга ундаган. Биз билмаган сабабларга кўра Бобур бу таклифга мойиллик билдирмаган. Шу аснода Жом жанги ҳодисаси рўй бериб, Шоҳ Таҳмосп бу воқеадан яна аввалги режасини амалга ошириш учун фойдаланмоқчи ва Бобурдан яна рад жавоби олмаслик мақсадида Хумоюнни ишга солиб, алдов йўли билан Бобурнинг қўллаб-қувватловига эришмоқчи бўлган. Аммо, кўрганимиздек, бу сиёсий ўйинлар бошқача тус олиб, тарихда Бобур ва бобурийзодаларнинг шайбонийлар қўлида бўлган ота мерос ўлкаларга қайтадан қилич кўтариб келиши воқеаси содир бўлмаган.

БИЛДИРИШ

Бугун соат 17.00да "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси таҳририятида ёш адабиётчилар даврасининг навбатдаги мажлиси бўлади. Мажлисга ёш шоирлар, адабиёт мухлислари таклиф этилади.

"ЎзАС" ва "Ёзувчи" газеталари таҳририяти

Биз кимиз?

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, Котибият — 133-49-93
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-58-49 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Наср ва назм бўлими: 136-56-50

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Беккул ЭГАМҚУЛОВ
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди —
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г. — 2009. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—7243.